

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳукукида
УДК

АТАҚУЛОВА ЭЪТИҚОДХОН САЛОҲИДДИНОВНА

ЗАМОНАВИЙ МАТБУОТДА БОЛАЛАР НАШРЛАРИ:
ТАДРИЖ, ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

5А 320401– ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

ИЛМИЙ РАҲБАР:

филология фанлари номзоди, доцент,

Назира ТОШПЎЛАТОВА.

ТОШКЕНТ – 2012

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ А. Нурматов

Кафедра мудири: _____ Н. Тошпўлатова

Илмий раҳбар: _____ Н. Тошпўлатова

Ташқи тақризчи: _____ А. Жўраев

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

**МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ МАТБУОТДА БОЛАЛАР НАШРЛАРИ:
ТАДРИЖ, ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН**

ДАК қарори: ўзбек гуруҳи магистранти

Атакулова Ётиқодхон Салоҳиддиновнанинг

магистрлик диссертацияси “-----” га баҳолансин.

“-----” ----- 2012 йил

ДАК раиси:

А.Раҳимов

ДАК котибаси:

Ё.Эркабоева

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика
факультети жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи
кафедрасининг 2012 йил 19-апрель 11-сонли баённомасидан**

КЎЧИРМА

КАТНАШДИЛАР: Кафедра мудири, доц.
Н.Тошпўлатова, доцентлар А.Нурматов,
Х.Саидов, Ё.Маматова, Т.Қаҳҳоров, Н.Намозова,
катта ўқитувчи С.Сулаймонова, ўқитувчилар
Ё.Эркабоева, Д.Дўлтаева, котиба Э.Атақулова.

КУН ТАРТИБИ: Битирувчи магистрантларнинг магистрлик
диссертациясини ҳимояга тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ: Магистрант Атақулова Ётиқодхон Салоҳиддиновнинг
“Замонавий матбуотда болалар нашрлари: тадриж, таҳлил ва талқин”
мавзусидаги магистрлик диссертацияси бўйича маърузаси.

ЭШИТИЛДИ: Илмий раҳбар Н.Тошпўлатова сўзи: Магистрант
Атақулова Ётиқодхон Салоҳиддиновна МД ни тайёрлаш жараёнига
сидқидилдан ёндашди. Ўзбек болалар нашрларининг ҳар бири билан яқиндан
танишиб, таҳририят иш фаолиятини ҳам кузатди. Мен томонимдан берилган
барча вазифаларни аъло даражада бажарди. Ишонаманки, бу иш юзасидан
яхши натижаларга эришади.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Магистрант Атақулова Ётиқодхон Салоҳиддиновнинг филология
фанлари номзоди, доцент Н.Тошпўлатова раҳбарлиги ва “Gulxan” болалар ва
ўсмирлар журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист А.Жўраев тақризи остидаги “Замонавий матбуотда болалар
нашрлари: тадриж, таҳлил ва талқин” мавзусидаги магистрлик диссертацияси
Давлат аттестацияси комиссияси мажлисида ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Кафедра мудири:

Н. Тошпўлатова

Котиба:

Э. Атақулова

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро
журналистика факультети жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти
ва тарихи кафедраси
ХУЛОСАСИ**

Магистрант Атакулова Ётиқодхон Салоҳиддиновнанинг филология фанлари номзоди, доцент Н.Тошпўлатова раҳбарлигидаги “Замонавий матбуотда болалар нашрлари: тадриж, таҳлил ва талқин” мавзусидаги магистрлик диссертацияси кўриб чиқилди. Бу иш магистрлик диссертациясини тайёрлашнинг намунавий тартиби асосида расмийлаштирилди ва унда кўрсатилган талабларга тўлиқ жавоб беради.

Ушбу иш ДАК мажлисида ҳимояга киритилиши мумкин.

**Жаҳон журналистикаси назарияси,
амалиёти ва тарихи кафедраси мудири:**

Н.Тошпўлатова

“_____” _____ 2012 йил.

МУНДАРИЖА

ЗАМОНАВИЙ МАТБУОТДА БОЛАЛАР НАШРЛАРИ: ТАДРИЖ, ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

Кириш

1-БОБ. Ўзбек матбуотида болалар нашрларининг ўрни ва аҳамияти.

1.1. Ўзбек болалар журналистикасининг тарихи ва шаклланиш босқичлари.

1.2. Ўзбек болалар нашрлари таснифи.

(“Gulxan”, “G’uncha”, “Dono Word”, “Bilimdon”, “Знайка” журналлари “Tong yulduzi”, “Bulbulcha” газеталари мисолида)

2-БОБ. Болалар нашрлари таҳририяти фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

2.1. Таҳририят ижодий муҳитини яратишда бош муҳаррирнинг ўрни.

(“Gulxan”, “G’uncha” журналлари ва “Tong yulduzi” газетаси бош муҳаррирлари)

2.2. Болалар нашрларида муаллифлар билан ишлашнинг ўзига хослиги

(“Gulxan”, “G’uncha” журналлари ва “Tong yulduzi” газетаси бош муҳаррирлари)

3-БОБ. Болалар нашрларида жанр, тил ва услуб масалалари.

3.1. Болалар журналларида журналистик жанрларнинг аҳамияти

(“Gulxan”, “G’uncha”, “Dono Word”, “Bilimdon”, “Знайка” журналлари мисолида)

3.2. Болалар газеталарида чоп этилган мақолаларнинг тили ва услуби.

(“Tong yulduzi”, “Класс!” “Bulbulcha” газеталари мисолида)

Хулоса Фойдаланилган адабиётлар рўйхати Иловалар

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг маъно-мазмунини жамоатчиликка етказиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёш авлодга ҳар томонлама кўмак бериш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз И.А.Каримов “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”¹, – дея мамлакат ривожини ёшлар келажаги билан боғлиқлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, бугунги кун болалари кечагидан фарқ қилади. Уларнинг яшаш тарзидан тортиб ўй-ю фикрлари, орзулари, ҳатто муаммолари ҳам янгича. Буларнинг барчаси глобаллашув, ахборотларнинг тез суратларда алмашуви эвазига бўлаётган жараёнлардир. Албатта, ёшларнинг, шунингдек болаларнинг янгича фикрлаб, замон билан ҳамнафас юриши бизни қувонтирса, глобаллашув натижасида кириб келаётган янги ахборот технологиялари ва ахборот хуружининг салбий оқибатлари уларга ҳам ўз таъсири кўрсатаётгани кўнглимизни хижил қилади. Деҳқонларимиз ниҳолни қанчалик парвариш қилишига қараб, ундан оладиган ҳосилни шунга қараб чамалайди. Ниҳол ҳам шунга яраша ўзини кўрсатади, бўй чўзади. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам ниҳолга қиёслаш мумкин. Уни қандай тарбияласа, шу йўсинда вояга етади, улғаяди.

Бугун юртимизда бу борада талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 1998 йил “Оила йили”, 2000 йил “Соғлом авлод” йили, 2001 йил

¹ Каримов. И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т. ; Маънавият, 2008 й.

“Оналар ва болалар” йили, 2008 йил “Ёшлар” йили, 2010 йил “Баркамол авлод” йили ҳамда жорий йилга ҳам “Мустаҳкам оила” йили деб ном берилиши айнан ёш авлодга, ёш оилаларга қаратилаётган эътибордан даракдир.

Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими шакллантирилди.

Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда «болалар боғчаси-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Бугунги кунгача болаларга чет тилларни, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 да ортик гуруҳлар ташкил этилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни дастуриамал бўлмоқда.

Бугунги кунда иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Жумладан, 1993 йил 23 - апрелда “Соғлом авлод учун” халқаро ҳайрия жамғармаси, 2002 йил 24 - октябрда “Болалар спорти” жамғармаси ташкил этилди. 2008 йил 8 - январда Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни кучга кирди.

Жорий йилнинг февраль ойида Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Хорижий давлатлардан келган мутахассислар мамлакатимизда таълим ва тарбиянинг узвий олиб борилаётганини ва унинг самарасини юқори даражада эътироф этишди. Бу борада мамлакат бошқарувчиси, таълим берувчилар билан бирга қаторда ота-оналар ҳам тенг равишда масъулиятга эгадир.

Зеро, Абдурауф Фитрат айтганидек, қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади.

Эътиборли жиҳати ҳам айнан бизнинг мамлакатимизда таълим тизими тарбия билан боғлиқ ҳолда иш олиб борилади. Юртбошимиз айтганидек, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.² Юқорида айтганимиздек, бу йўлда мактабдан ташқари таълим муассасалари, мактаб, турли хил тўғарақлар мунтазам равишда иш олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, болаларнинг маънавий жиҳатдан камол топишида болалар нашрларининг ўрни ҳам алоҳида. Болалар нашрлари орқали улар илму маърифат саодатидан баҳраманд бўлади, анъанавий урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз, бетакрор тарихимиз қудратини ҳис қилади, унга муносиб бўлишга интилади. Тарбияда энг катта ютуқ ўрнатилган бўлиш дейишади. Бола эшитганидан кўра кўрганини кўпроқ ёдда сақлаб қолади. Такрорланган ҳолатлар ниҳолнинг заминга илдиз отганидек бола хотирасига сингиб кетади. Бу йўлда эса болалар нашрларининг ўрни ва роли юқори.³

ОАВ тизимида болалар журналистикаси алоҳида аҳамият касб этади. Болалар нашрлари бу кечагина пайдо бўлиб қолгани йўқ. Унинг ҳам ривожланиш босқичи, шаклланиш жараёнлари бор. Журналистиканинг соҳа сифатида пайдо бўлиши, унда турли нашрларнинг юзага келиши, ижтимоий - ҳаётнинг турли соҳалари, жамиятнинг турли босқичларида қандай ўрин тутган бўлса, болалар нашрлари ҳам ўша даврлардан бошлаб ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Матбуотнинг шаклланишида ўз вазифасини адо этиб, оммага, ижтимоий ҳаётга тааллуқли турли масалаларга оид ахборотни етказиб беришдаги мумтоз вазифаси болалар нашрларида ҳам ўз ифодасини топади.

² Каримов. И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т. ; Маънавият, 2008 й.

³ Шомаликова Д. Гулгунчалар журнали // Ўзбекистон матбуоти. 2012 й, 1-2-сон.

Болалар нашрлари бир вақтнинг ўзида ҳам оммавий коммуникация вазифасини ҳамда катта авлоднинг ёш авлодга ахборот узатиш имконияти мавжуд бўлган “майдон” дан бири саналади. Болалар учун эса у ёру дўстлари билан тенг алоқага чиқадиган макондир. Ёшлар, айниқса, болалар ҳаётига оид турли мавзуларнинг ёритилишида, болаларнинг қизиқишлари, фикру ўйларига мос ахборотларни етказишида уларнинг ўз тажрибаси, мактаби бор. Шу маънода ўзбек журналистикаси тараққиётида, шаклланишида болалар нашрлари мактаб вазифасини ўтагани алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки, болалар нашрлари қанчадан – қанча шоир-у ёзувчиларни, олимларни, таржимонларни етиштириб чиқарган. Аслида, катталар матбуотига болалар нашрлари етаклаб боради, десак муболаға бўлмайди. Шу билан бирга, унда катталар қаторида беғубор қалб эгалари ижод қилишади.

Болаларнинг дунёқарашини шакллантиришда, ақл ва идрокини такомиллаштиришда, улар онгида миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришда, миллий урф-одатлар, анъаналар руҳида тарбиялашда болалар матбуотининг ўрни беқиёсдир. Болалар журналистикаси бу алоҳида катта мавзу бўлиб, унинг ҳар бир йўналиши мукаммал тадқиқот ишларини олиб боришга арзигуликдир. Шу ўринда уни икки турга бўлиш мумкин:

Биринчиси, турли нашрларда болаларга мос мавзуларнинг кўтарилиши. Улар учун алоҳида саҳифалар ажратишни кўзда тутилади. Бу каби нашрлар аудиторияси турли ёшдагиларни қамраб олади.

Иккинчиси, бу болалар нашрлари. Бунда нашрга чоп этилаётган ҳар бир мақола болалар руҳиятидан келиб чиқиб, уларга мослаб ёзилади. Нашр аудиториясини айнан болалар ташкил қилади. Биз ҳам ана шу иккинчи йўналиш бўйича тадқиқот ишимизни олиб борамиз.

Бугунги кунда болалар журналистикасига қаратилаётган эътибор, матбуотда болалар нашрларининг тутган ўрни, уларнинг вазифаларини тўлақонли ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборатдир. Шу билан биргаликда, бугун болалар нашрлари ёш ўқувчиларнинг эҳтиёжини қондираяптими,

маънавий “озуқа” бера оляптими, болаларнинг қизиқишлари, мақсад ва ўйлари, шу билан бирга муаммоларини бир сўз билан айтганда болалар ҳаётини қай даражада ёритаяпти каби саволларга диссертация давомида жавоб топишга уринамиз.

Ишнинг илмий янгилиги. Болалар журналистикасини умумлаштирибчи унинг миллий табиатини ўрганувчи яхлит бир тадқиқотлар олиб борилгани йўқ. Биргина, филология фанлари номзоди, доцент Башорат Жамилова 2006 йил “ЎЗБЕК БОЛАЛАР ПУБЛИЦИСТИКАСИ” мавзусида номзодлик диссертациясини ёзган. Муаллифнинг шу номдаги рисоласи ҳам нашр қилинган. Бунда ҳам асосан болалар публицистикасининг пайдо бўлиш омиллари, табиати, предмети ва тарихий тараққиёт хусусиятлари борасида изланишлар олиб борилган. Бироқ замонавий болалар журналистикасининг тарихи ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилмаган. Мазкур ишнинг илмий янгилиги, айнан болалар журналистикасининг пайдо бўлиш давридан бугунги кунгача босиб ўтган жараёнини бевосита ўрганиш билан белгиланади.

Ишнинг методологик - назарий асослари. Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакат ОАВ фаолияти ва уни ривожлантиришга оид китоб, маъруза ва нутқлари ташкил қилади.

Шу билан бирга ишнинг назарий асосини яратишда соҳага дахлдор назарий китоблар, журналистиканинг етакчи методлари ва принциплари ёритилган манбаларга таянилади.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаси. Болалар журналистикасини яхлит бир йўналиш сифатида олиб чиқиш, уни янада такомиллаштириш, ёш авлоднинг соҳага бўлган қизиқишини ўстиришдир. Ушбу мақсад қуйидаги вазифалар орқали амалга оширилади.

- ўзбек болалар журналистикасининг тарихи ва шаклланиш босқичларини ўрганиш;

- ўзбек болалар нашрларини йўналиши ва мавзуларига қараб таснифлаш;

- болалар нашрлари таҳририятида ижодий муҳитни яратишда бош муҳаррирнинг ўрнини аниқлаш;
- болалар нашрларида муаллифлар билан ишлашнинг ўзига хослигини топиш ва таҳлил қилиш;
- болалар журналларида жанрлар масаласини ўрганиш;
- болалар газеталарида чоп этилган мақолаларнинг тили ва услубини танланган объектлар мисолида таҳлил қилишдан иборат.

Ишнинг объекти. Замонавий ўзбек болалар матбуотининг “Gulxan”, “G’uncha”, “Tong yulduzi”, “Класс!”, “Dono Word”, “Знайка”, “Bulbulcha” каби болалар нашрлари ташкил этади.

Ишнинг предмети. Журналистика назариясига оид билимлар, кўникмалар, билишнинг эмперик методлари, тарихийлик, ҳужжатлилик ва қиёсий таҳлилдан фойдаланилди.

Илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Бу ишдан оммавий ахборот воситалари назарияси, оммавий ахборот воситалари тизими фанларида талабалар ўқув материал сифатида фойдаланиши мумкин. Шунингдек, жаҳон журналистика назарияси бўйича курс ишилар ёзишида назарий манба сифатида хизмат қилади. Иш юзасидан рисола нашр қилдик.

Ишнинг тузилиши. Кириш, уч боб, олти фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

1-БОБ. ЎЗБЕК МАТБУОТИДА БОЛАЛАР НАШРЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Ўзбек болалар журналистикасининг тарихи ва шаклланиш босқичлари

*“Ҳар бир одам болалигидан ўз
халқининг вакили бўлиш учун
дунёга келганини билиши ва шу
вазифани зиммасига олишга ўзини
тайёрлаши керак”.*

Расул ҲАМЗАТОВ

Миллий-маънавий ҳаётимизда болалар журналистикаси узоқ асрлик халқ тарихи, маданияти ва тафаккури, тараққиёти билан узвий алоқадор. У дастлаб жамиятнинг болаликка муносабатини ифодаловчи ҳодиса сифатида халқ оғзаки ижодида, қадимги адабий ёдгорликлар, мумтоз адабиёт намуналари таркибида намоён бўлди. Инсоният тарихининг жамоа бўлиб яшай бошлаган илк даврларидан бошлаб одамлар моддий бойликлар яратиш билан бирга ўз авлодларини яхши тарбиялаш тўғрисида ҳам қайғурганлар. Уларни жасур, кучли, эпчил, ақлли, тадбиркор, ғайратли қилиб тарбиялашга интилганлар. Аллалар, эртаклар, қўшиқлар, ҳазил-хузул шеърлар, эркалатиш, топишмоқ, тез айтиш, табиатга боғлиқ тимсоллар, мақоллар ва бошқа бадиий воситалар билан уларга таъсир ўтказганлар.⁴

XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан бу ҳодисага ижтимоий тус берилиб, миллий уйғониш даври маърифатпарварлари, жумладан, жадид адиблари ижодида яққол акс эта бошлади. Илк расмий матбуотдаги болалар таълим-тарбияси, турмуш тарзи, умуман, болалик муаммоларини қамраб олувчи журналистика воқеликка айланиб борди.

⁴Аъзамов М. “Ғунча” болаларнинг ҳақиқий журналига айлансин // “Хуррият” 2009, 18-март.

Ўзбек болалар журналистикаси - XX асрнинг бошларидан бевосита ёш авлод тафаккурига хос шакл ва шамойил касб этиб келаётган ижтимоий-эстетик ҳодиса сифатида намоён бўлди. 1906 йил 20 июлда "Тараққий" газетасига мактаб ўқувчисининг ёзган мақоласида шундай фикрлар бор эди "...Ҳар қайсиларингизга маълум, мактабга келиб илм ўқурга киришканимизга баъзимизга бир йил ва баъзимизга икки йил бўлди, мактабга келмасдан илгари ҳеч нарса билмас эрдук. Ҳозир бўлса, алҳамдулиллоҳ, даражамизга яраша ислом динини тануб, ўзимизнинг мусулмон эканимизни билиб ғоятда шодланиб ва ул динда бўлгон ҳукмларни, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб кабиларни билганимиздек, туркий китобларни ўқурга ҳам ёзарга биламиз. Қишнинг соқуғига тўнгмай, ёзнинг иссиғига пишмай, ҳеч нимарсага муҳтож ўлмай, роҳат-роҳат илм ўқудик".⁵ Айнан шу даврдан бошлаб босма нашрларда ёшларнинг овози янграй бошлади. Турли нашрларда болалар саҳифаларига ҳам жой ажратилди.

1905-1924 йилларга келиб, ҳар бир миллий матбуот нашри ана шундай масъуллиқни ўз зиммасига олган эди. Айнан шу давларда болаларнинг чиқишлари кўпая борди. Ниҳоят, болаларгагина ихтисослашган махсус нашрлар, адабиёт намуналари пайдо бўлиши билан ўзбек болалар журналистикасига том маънода пойдевор қўйилди. Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган журналистика бағрида эса, ёшларнинг ўз дарди, моддий ҳаётга муносабатларини ифодаловчи болалар ижоди ҳам бўй кўрсата бошлади. Ўша даврнинг буюк маърифатпарвар зиёлилари Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авланий, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Ҳамза, Маннон Ромиз ва Элбек каби алломалар ўз ижод асарлари орқали ўзбек болалар журналистикасини расман вужудга келтирган шахслар ҳисобланади.⁶

⁵ Дўстқораев. Б. Боланинг сўйлаган нутқи ушбудар // "Хуррият" 2009 й, 19-август.

⁶ Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси. – Т.; "Фан", 2006, 5-бет.

Уларнинг ҳеч бири болаларга панд-насихат тарзидаги мақолалар ёзишмаган, аксинча, ўзлари гувоҳ бўлган воқеаларни, тасвирий воситалар билан ёки шеърӣ санъат йўли билан ёш китобхонлар руҳини эстетик тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.⁷ Болалар шу нашрлар орқали дунёни таниган. Унинг болаларбоп маназараларини нашрларда берилган суратлар, мақолалар орқали тасаввур қилган. Бу болалар тарбиясида муҳим жиҳатлардан биридир.

Ўзбек болалар журналистикаси назарӣ ва амалӣ жиҳатлардан ҳали навқирон бўлсада, ўтмиш адабиётидаги пандномачилик, маърифатпарварлик адабиёти замирида шаклланганлигига кўра қадимийдир. Зеро, расмӣ матбуот, хусусан, болалар матбуоти юзага келгач, публицистика ёш авлод ҳаётини, турмушдаги ютуқ ва камчиликларга вобаста ҳолда ҳозиржавоблик билан ёритувчи ижтимоӣ ҳодисага айланиб, том маънода шаклланиб, ўзига хос тамойиллар касб эта бормоқда, болалар дунёқараши ва тафаккурини шакллантирувчи, ижтимоӣ-сиёсий, маънавий, ахлоқӣ-тарбиявий масалалар таҳлилига қаратилган, ёшларни ижтимоӣ фаолликка етакловчи ижод тури даражасига кўтарилиб, алоҳида табиатга эга ҳолда ривож топмоқда.⁸

Болалар матбуоти юзага келгач, у ёш авлод ҳаёти, уларнинг турмуш шароитлари, ютуқ ва камчиликларини ёритувчи воқелик сифатида шаклланди. У болалар дунёқарашини ўстиришга, тафаккурини шакллантиришга, маънавий, ахлоқӣ, тарбиявий масалаларга қаратилган таҳлилий мақолаларни бериб ёш авлодни болалар матбуоти билан боғлашга хизмат қилган. Шу орқали ўз атрофида ижодкор ёш авлодни йиға билган. Уларни жамоа сифатида бир мақсад сари шакллантиришга ундаган. Бундай олиб қарасак, бугунги болалар матбуоти билан ўша давр матбуотининг вазифаси бирдек. Лекин, бугун болалар журналистикасига бўлган

⁷ Аъзамов М. “Ғунча” болаларнинг ҳақиқӣ журналига айлансин // “Хуррият” 2009 й, 18-март.

⁸ Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси. – Т.; “Фан”, 2006, 8-бет.

эътиборнинг ўша даврдан кўра баланроқлиги сабаб, унинг вазифаси ҳам юксалган.

Маълумки, "Туркистон вилоятининг газети" (1870-1917) ўлканинг тўнғич газетаси ҳисобланади. Гарчи у миллий ҳаётдан анча узоқ бўлган бўлса-да, "Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларидаги маориф ва ўлка болалари тарбиясига оид "Мусулмон мактабларида ўқитиш", "Болалар тарбияси ҳақида" сингари рукнлар остида эълон қилинган хабар ва мақолалар ижобий ҳодиса эди. Шу билан биргаликда, 1914 йилда чоп этирилган "Садои Фарғона", "Садои Туркистон" газеталарида ҳам айнан болаларга бағишланган махсус саҳифалар мавжуд бўлган.⁹

Ҳар иккала газетада берилган мақолаларда асосан ўша давр руҳияти ва замон талаби уфуриб турган. Бироқ, уларнинг таг замрида таълим ва тарбия масаласи кўндаланг турган.

Тадқиқотчи Б.Жамилова, 50-80 йиллар болалар матбуотида чинакам публицистик мақолалардан кўра журналистик қайдномалар устувор бўлганлигини, улардаги мавзулар кўлами ҳам йил фаслларига мос ҳолда, такрорланиб келганлигини таъкидлайди. Шу билан бирга тадқиқотда, ўзбек болалар матбуоти чинакам инсоний фазилатлар учун курашганлиги, ёш авлодни ҳалол ва соф, виждонли, садоқатли ва меҳнатсевар, эътиқоди юксак, келажакка ишонч билан қараш руҳида тарбиялашга хизмат қилганлиги ҳақида маълумотлар бор.¹⁰

Болалар учун ижод қилиб келаётган Худойберди Тўхтабоев, Турсунбой Адашбоев, Носир Фозилов, Рауф Толипов, Анвар Обиджон, Миразиз Аъзам, Абдусайд Кўчимов, Тоҳир Малик, Умида Абдуазимова, Ашурали Жўраев, Тўлқин Ҳайитов, Кавсар Турдиева, Дилфуза Шомаликова, Феруза Жалилова сингари адиб ва адибалар ҳаётга энди ўзгача тафаккур, маънавий эҳтиёжлар

⁹ Ўша манба. 54 -бет.

¹⁰ Баракаев Р. Истиклол даври ўзбек болалар адабиёти: анъана,ворисийлик ва изланиш // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2003 й, 3 –сон , 4-бет.

нуқтаи назаридан ёндашиб, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тuzатиш, ёш авлодни замонавий маънавиятга етаклаш мақсадида янги ижодий тамойиллар инкишофига киришдилар. Бу ҳақда болаларнинг севимли ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг шундай фикри бор: “ Бугун замон тараққий этиб, болалар боғчаси, болалар дўкони, болалар шифохонаси деган иборалар кўп қўлланиладиган бўлди. Демакки, болага эътибор кучайди. Энди болалар дўкони болаларга мослашган кийим-кечаклар билан савдо қилишга ихтисослаштирилган ёки болалар шифохоналарида болаларнинг сиҳат-саломатлигига оид илмларни мукаммалроқ ўрганишга зарурат туғилган бўлса, болалар ёзувчиси олдида ҳам болаларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда яхши асарлар ёзиш учун залворли масъулият турибди.”¹¹

Истиқлолдан илгари болалар учун мўлжалланган мақолаларда фақат ўзбекистонлик ўқувчи ёшларнинг кундалик юмушлари акс эттирилган бўлса, мустақилликдан кейин болалар журналистикасининг мавзу доираси кенгайди, мазмунан чуқурлашди, ижтимоий долзарб масалалар ёш авлод ҳукмига ҳавола этила борди, муаллифлар болаларбop ижодга катта масъулият билан қарай бошладилар. Шундай қилиб, ўзбек болалар журналистикаси мустақилликка интилиш ва истиқлол ғояларини талқин этиш жараёнида чинакам ижодкорлик соҳасига айланди. У ёш авлодни мустақиллик мафкураси, ғояси, миллат ва миллийлик нуқтаи назаридан тарбиялашга эҳтиёж сезилди. Ва ниҳоят, 1919 йиллардан бошлаб болаларга хос ва мос бўлган болалар нашрларига пойдевор қўйилди. Жумладан:

1919 йил 23 майда Самарқанд вилояти 1- татар билим юрти ўқувчилари томонидан чоп эттирилган “Болалар йўлдоши”¹² номли журнал бу соҳадаги илк намуналардандир. Ундаги “Сўз боши” дан маълум бўлишича, “Николай

¹¹Умирова. А. Энг яқин дўстларим болалар. // “Хуррият”, 2009 й, 8-апрель.

¹² Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси. – Т.: “Фан”, 2006, 67 - бет.

сийёсати ва николайчиликнинг ижтиҳодлари¹³ соясинда бошланган уруш ўлкани хароб этиб... қаҳатчилик ва қимматчилик ила юрт “сарсон ва ажин” бўлган бир вақтда мактабларга китоб, ўқув қуроллари етарлик бўлмаганидан, шу кўргиликларни қопларлик йўл излаш, ўқувчиларнинг “ёзув кучини” орддириш мақсадида **болалар нашрларига асос солинган.**”¹⁴

1921 йилда Халқ Маорифи Комиссарлиги томонидан “ёш ўқувчилар орасида онг, билим тарқатиш йўлида чиқарилатурғон ўзбекча болалар” журнали -“Болалар дунёси” номи остида нашр этилди. Ундаги Чўлпон, Субутой, Хуршид шеърлари, Раҳим Солининг ҳикоялари, Мажид Усмон (“Қимматли тортиқ”), Улуғ (“Ҳаво шари”, “Бобомдан эшитганларим”, “Онгли бола”) мақоллари адабий-бадий нашрнинг мундарижаси ва йўналиши ҳақида яхлит тасаввур уйғота олади.¹⁵

Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган адабий-бадий безакли болалар журнали **"Gulxan"** ҳам узок тарихга эга. Бу журнал ҳам собиқ шўро даврида пайдо бўлгани, шўро болаларига шўро тузимини ва унинг ғояларини тарғиб-ташвиқот қилгани ҳақида маълумотлар бор. Журнал тарихини варақлаганда унинг 1929 йилнинг январида “Ёш куч” номи билан чоп этилганига гувоҳ бўлдик. 1941 йилга келиб эса вақтинчалик тўхтатилган. 1952 йилдан “Пионер” номи билан қайта нашр этила бошлаган. Қисқа муддатдан сўнг журналга “Gulxan” деб ном берилган.¹⁶ Бугун у серкирра ёш истеъдодларни кашф қилишга ўз хизматини қўшиб келмоқда. **Адади: 81.176**¹⁷

Республика болалар ва ўсмирларга мўлжалланган ҳафталик газета **“Класс!”** 1927 йилнинг ноябрь ойидан бери нашр этиб келинмоқда. У аввал

¹³ Бор куч билан интилиш, жаҳд қилиш (Б.Ж.)

¹⁴ Ўша манба, 67-бет.

¹⁵ Ўша манба, 71-72 бет.

¹⁶ Жўраев.А. Саксон лаҳза қувончлари // “Гулхан”, 2009 й, 10-сон.

¹⁷ 2012 йил ҳисоби бўйича.

"Пионер Востока" номи остида нашр қилинган. Рус тилида чоп этилади.
Адади: 7100¹⁸

1929 йилнинг 1 августида яна бир болалар нашри дунё юзини кўрган. Самарқандда "дунёга келган" илк болалар газетаси "Ленин учқуни" номи билан фаолиятини бошлаган. 1931 йилдан эътиборан ушбу газета Тошкент шаҳрида нашр этиб келинмоқда. Мустақилликдан сўнг, яъни 1992 йилнинг 8 январидан бошлаб «**Tong yulduzi**» номини олган газета бугун саксон уч йиллик тарихга эга. **Адади: 80.000¹⁹**

Яна бир етакчи болалар журнали «**G'uncha**» Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва В.И.Ленин номли пионер ташкилоти Республика Советининг журнали сифатида 1958 йилнинг январ ойида ташкил топган. У мактаб ёшидаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Илк бор 15.000²⁰ ададда нашр қилинган. Бугунги кунда журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши муассислигида чоп этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февраль қарори билан журнал давлат тасарруфига ўтказилган. **Адади: 126.113²¹**

"Болалар жураналистикаси - бу беғубор журналистика. Болалар газетаси ва журналлари - қисқа, лўнда ва қизиқарли воқеаларга бой нашр. Унда олди-қочди кетмайди, болаларни алдаб ҳам бўлмайди. Болалардан келган беғубор хатлар, мақола, ҳикоя, репортаж, шеърлар, эртаклар ҳамда турли - туман даъватлари билан газета - журналлар пайдо бўлади. Бу газета ва журналларни

¹⁸ klass children@rambler.ru

¹⁹ 2012 йил ҳисоби бўйича.

²⁰ «Гунча» журнали 1958 й, 1-сон.

²¹ 2012 йил ҳисоби бўйича.

ўша вақтлардан то ҳозиргача кирмаган хонадони, ўқилмаган синф газетхони бўлмаса керак".²²

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари хусусан болалар нашрлари сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда болаларга мўлжалланган бир қанча газета ва журналлар фаолият кўрсатади: Улар: “Bilimdon” (800 сўм), “Бахтли болажон” (2.500 сўм), “Болажон айболит” (330 сўм), “Bola va zamon” (3.100 сўм), “Bulbulcha” (400 сўм), “Знайка” (800 сўм), “Келажак авлод” (500 сўм), “Келажак овози” (400 сўм), “Gulxan” (550 сўм), “Ёш куч” (3500 сўм), “Класс!” (300 сўм), “Ёшлик” (1.900 сўм), “Кошки-мышки” (600 сўм), “Эртаки - репититор” (1.200 сўм), “Ромашка”(5.000), “Tong yulduzi” (180 сўм), “Синфдош” (950 сўм), “Тенгдошлар ижоди” (1.500 сўм), “Я и мой ребёнок” (3750 сўм), “G'uncha” (325 сўм).

Ҳар бир нашрнинг ўз аудиторияси, муҳлиси ва кузатувчиси бор. Тадқиқот учун танланган объектларни аудиторияси жиҳатидан 2 гуруҳларга ажратдик:

1. Кичик ёшдаги болалар учун (4-10 ёш) - “G'uncha”, “Знайка”, “Bilimdon”, “Tong yulduzi”, “Bulbulcha”.

2. Ўрта ёшдаги болалар учун (10-16 ёш) - “Gulxan”, “Класс!”, “Dono Word”.

Ўзбек болалар нашрлари таснифига, мақолаларни беришдаги маҳорати борасида тадқиқот ишининг кейинги фаслида тўхталиб ўтамиз.

Юқорида ўзбек болалар нашрларининг тарихи ва ривожланиш босқичларини кўриб чиқдик, энди дунё болалар журналистикаси ва нашрларига сайёҳат қиламиз.

Дунё болалар журналистикаси узоқ ва бой тарихга эга. Болалар нашрларига биринчи тамал тошини қўйган китоб Яна Амоса Коменск томонидан яратилган. У “Мир в картинках” деб номланади. Дунё миқёсидаги

²² Раззоков. Ж. Беғубор журналистика // “Тонг юлдузи”, 2009 й, 5-октябрь.

биринчи журнал “Лепцигский еженедельный листок” (1772-1774 йй) номи остида Германияда чоп этилган. 1777 йилга келиб эса Россияда махсус болалар нашриёти томонидан “Детское чтение для сердца и разума” номли журнал нашр қилинган. 1785-1789 йиллар давомида у “Московским ведомостям” ҳафталик журналига илова шаклида нашр қилинган. Журнал бош муҳаррир Н.Новиков фикрига кўра, болалар журнали болалар қалби ва гидрокини ўстиришга, комил инсон қилиб тарбиялашга хизмат қилмоғи керак.²³

Россия матбуотида: Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Россияда болалар журналистикаси XVII асрнинг охирларида пайдо бўлган. 1986 йилга келиб 15 та пионер газета ва 36 та болалар журналлари чиқиб турган. 1998 йилда бу кўрсаткич яна ҳам ўчган. 200 та газета ва 300 га яқин журналлар айнан болалар учун нашр қилинган.²⁴ Бугунги кунда нашр қилинаётган россия болалар нашрларини тўрт турга бўлиб кўриб чиқамиз.

1. *Мактаб ёшига етмаган болалар учун:* “Веселые картинки”, “Новая игрушечка”, “Дисней для малышей”, “Для самых-самых маленьких”, “Филя” (“Веселые картинки” журналга илова сифатида чоп этилади, асосан экология масалалари ёритилади) каби болалар журналлари нашр қилинган.
2. *Бошланғия синф ўқувчилари учун:* “Мурзилка”, “Карапуз”, “Мастерилка”, “Поиграем в сказку” ва шу каби бошқа нашрлар чоп этилган.
3. *Ўсмир ёшидаги болалар учун:* “Пионерская правда”, “Бибигон”, “Глагол” каби газеталар ва “Пионер”, “Юнга”, “Cool” каби журналлар нашр қилинган.
4. *Катта синф ўқувчилари учун:* “Юный предприниматель” газетаси, “Бумеранг”, “Маруся”, “Шестнадцать” каби

²³ Семенов О.К. Становление детской журналистики и влияние ее на психологию ребенка. -М.: 2010 г.

²⁴ Засурский.Я.Н. “Система средств массовой информации России” У/п.-М.: Аспект Пресс, 2001 г

журналлар чоп қилинмоқда.²⁵ Нашр пайдо бўлган кундан бошлаб аввало у кимга ва нима мақсадда чоп этилаётганини билиб олиш лозим. Шундан сўнг, у ўз аудиториясининг ёши ва дунёқарашига қараб фаолият юритса, ҳар томонлама мақсадга эришган бўлади. Берилаётган мақолалар газета ёки журнал аудиториясидан келиб чиққан ҳолда берилиши нур устида аъло нурдир.

Буюк Британия матбуотида: Англия болалар нашрлари XVIII аср ўрталарида дунё юзини кўра бошлади. Дастлабки болалар журнали “Lillipution Magazine” 1751 йилда John Newbury томонидан нашр этила бошлайди. Newbury нинг кичик ҳажмдаги ушбу журналида турли ҳикоялар, шеърлар, халқ оғзаки ижодидан намуналар нашр этилар эди. 1880 йилнинг 15 сентябрида 16 бетдан иборат бўлган “The Boy’s Newspaper” газетаси нашрдан чиқарилади. Унда асосан мактаб ва университетларда қилинган илмий изланишлар натижаси, қўлга киритилган ютуқлар, аълочи ўқувчилар ижоди ва спорт хабарлари мунтазам бериб борилган.

XIX асрнинг бошларидан турли йўналишдаги болалар журналлари чиқа бошлайди. Ўша вақтларда энг машҳур болалар журнали “Boy’s Own Paper” бўлиб, у 1879 йилда диний трактлар жамияти (track-кичик памфлет кўринишдаги диний асар) томонидан нашр этилган.²⁶

1890 йилда Alfred Harmsworth “Comic Cuts” номли ҳажвияли ҳикоялар ва расмларга бой, ярим цент баҳосида журнални чиқаради. Ушбу ҳафталик нашр тез орада кўплаб муҳлисларни эътиборини қозонади ва 300.000 нусхада чиқа бошлайди. 1908 йилда Arthur Nee “Children’s Encyclopeedia” (Болалар энциклопедияси) яратди ва бу иши унинг энг ажойиб изланишининг самараси бўлган “The children’s newspaper”ни дунёга келишига тurtки бўлди.

²⁵ Ўша манба.

²⁶ Ҳайдарова Ш. Англия болалар журналистикасининг ўзига хослиги. БМИ, 2010 й.

XX асрга келиб Буюк Британияда болалар журналлари тез суратларда кўпая бошлайди. Энди уларнинг дизайни ҳам, уларда ёритилаётган мавзулар аввалгилардан мутлақо фарқ қилар эди. Бугунги кунда қуйидаги болалар нашрлари мавжуд:

1. “Jabberwock: A Monthly Magazine for”.
2. “Magnet”
3. “Mrs Strang’s Annual”
4. “Greyfriars Holiday Annual”
5. “Oxford Annual for Girls”
6. “School Friend”

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Англида таълим соҳасига эътибор кучайган сари, ёшлар учун мўлжалланган ёзма нашрларга бўлган талаб ҳам ошди. Бундай нашрлардан бири 1832 йилда “The Boys and Girls Penny Magazine” номи билан нашр қилинди. Бу даврда ёшлар мавзуси нашр соҳасининг ажралмас бўлагига айланиб улгурган эди ва журналда ҳам ёшларнинг ўзи бош қаҳрамон сифатида намоён бўла бошладилар.²⁷

Миср матбуотида: Араб дунёсида болалар нашрларига XX асрда асос солинган. Уларнинг "مىكى" (“Mickey”), "سمير" (“Samir”), “أميرات” (“Princess”), “سوبر ميك” (“Super Mickey”), "مىكى جيب" (“Mickey Mouse Pocket”), “مجلد مىكى” (“Mickey Volume”), “مجلد وينى” (“Winnie the Pooh”) каби бир қанча журналлари мавжуд. Бу журналлар Мисрда фаол журналлар ҳисобланади. Бу каби журналларнинг мақсади бир, яъни ўз атрофида араб болаларини бирлаштириб бир мақсад сари йўналтириш ҳамда миллий муносабатни мустаҳкамлашдир. Булар ичида энг етакчи болалар нашри "سمير" (“Samir”) номи остида нашр қилинадиган болалар журнали ҳисобланади. Унинг муҳаррири Нотилла Рашиднинг айтишича, журнал асосан қувноқликка

²⁷ Ўша манба.

бағишланган. Ҳар сафар янги қабокда, янги саргузашт қаҳрамонлари билан, янги руҳий кайфиятда, янги бўёқдорлик билан яратилади. Шунинг учун, "سمير" (Samir) журнали тез-тез ўзгариб туради. Мисрда нашр қилинаётган "سمير" (Samir) журнали сатирик мазмунга эга журнал ҳисобланади. Унинг биринчи нусхаси "Al-hilal" нашриёти томонидан 1956 йил 15 апрелда нашр қилинган. "سمير" сўзининг луғавий маъноси "ҳикоя қилиб берувчи" деган маънони англатади. Лекин буни журнал номи билан алоқадор эмас. "سمير" (Samir) бу бир болакайнинг номига қўйилган, кўзи доим чакнаб, юзи кулиб турадиган, кўнғироқ сочлари пешонасига тушиб турадиган, юз тузилиши ҳақиқий арабларники бўлган болакай - тўқима образдир. Журнал барча араб болалари ва 8 ёшдан 88 ёшгача шиори остида чиқади. Ҳозиргача ўз йўналишини ўзгартирмай келаётган "سمير" (Samir) журнали 16 та рангли варақдан иборат. Болаларни ёруғлик сари йўналтириш мақсадида, журналда асосан ёруғ ранглардан фойдаланилган.²⁸ **Адади: 2.097**²⁹

Қайси тилда чиқишидан қатъий назар болалар нашрлари боланинг қалбини, дунёқарашини ўрганади, уни таҳлил қилади. Болалар шу нашрлари орқали онгида дунё манзарасини чизади. Жамият ҳақидаги илк таъсуротини ҳам болалар нашрлари орқали олади. Бу анча мураккаб жараён. Лекин бугун шунга дадил ҳаракат қилинаяпти.

- "Матбуот ҳеч қачон тараққиётдан, юксалишдан ортда қолмаслиги керак. Бугуннинг боласи ҳар куни бир янгиликка дуч келади. У телевизордан ташқари компьютер, уяли телефон сингари энг сўнгги замонавий воситалар ичида ўралашиб қолиб кетмоқда. Уни матбуот оламига қайтариш осон кечмайди. Агарда матбуот ўша техник воситалардан кўра қизиқарли бўлса, болаларнинг орзу истакларига ҳамоҳанг келсагина, уларнинг эҳтиёжларини

²⁸ www.samir.com

²⁹ 2010 йил ҳисоби бўйича.

қондириш мумкин”.³⁰ Бугун болалар журналистикаси болалар қалбини, дунёқарашини таҳлил эта бошлагани келгусида бу соҳада жиддий ажобий ўзгаришлар юз беришидан дарак бермоқда.

1.2. Ўзбек болалар нашрлари таснифи

*Болаларимизни ватанпарварлик,
ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш
керак.*

Омон МАТЖОН

Матбуот бозорида босма нашр ўз муҳлисини топиши учун нима талаб қилинади? Табиийки, бошқаларга ўхшамаслик, ўзига хослик. Кўпинча, инсон қалбини жунбушга келтирадиган, уни ҳайрон қолдирадиган мақолалар диққатни жалб қилади. Айниқса, болалар диққатини.³¹

Бугунги кунда болалар эътиборини ўзига қаратиш йўлида бир қанча нашрлар “тер тўкишмоқда”. Қуйида биз, тадқиқотимизнинг объекти саналган “Gulxan”, “G’uncha”, “Tong yulduzi”, “Класс!”, “Bulbulcha”, “Bilimdon”, “Dono Word”, “Знайка” журнал ва газеталарнинг шаклланиш босқичи ва бугунги кундаги фаолиятига тўхталиб ўтамыз.



Болалик инсон умрининг энг тиниқ, беғубор, дунёни, атроф-муҳитни қабул қилишга энг ташна, ҳайратга бой, ғоят қизиқувчан, кўрган – эшитганларини хотирада сақлаб қолишда бетакрор фаслдир. Бу ҳайрат фаслида ўқиб ўрганиш, қизиқиш, ҳар томонлама

³⁰ Юнусов. М. Қоғознинг ҳам уволи бор // “Хуррият”, 2009 й, 2 июль.

³¹ Умирова А. Газетхонни нима қизиқтиради // “Хуррият”, 2009 й, 12-август.

билимини юксалтириш жами билганларини хотирада муҳрлаш иштиёқи кучли бўлади. Ушбуларни мужассамлаштиришда ҳар бир боланинг дунёқараши шаклланишида ва ҳаётда ўз ўрнини топишида “Gulxan” нинг ўрни бебаҳодир.³²

Болалар мавзусини ёритиб келаётган “Gulxan” журнали узоқ тарихга эга. Ушбу адабий-бадий безакли болалар журнали собиқ шўро даврида пайдо бўлган. Ўша даврда у асосан шўро болаларига шўро тузимини ва унинг ғояларини тарғиб қилган. Журнал тарихини варақлаганда унинг 1929 йилнинг январидида “Ёш куч” номи билан чоп этилгани ҳақида аниқ маълумот бор. 1941 йилга келиб эса вақтинчалик тўхтатилган. Бироқ орадан ўн бир йил ўтиб (1952 йилда) ушбу журнал “Пионер” номи билан қайта нашр этила бошланган. Қисқа муддатдан сўнг эса (1953 йил) журналга “Gulxan” деб ном берилган.³³ 1986 йилнинг 5-сонидан бошлаб журнал оқ қоғозда рангли чиқа бошлаган. Журнал Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, матбуот ва ахборот агентлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши муассислигида нашр қилинади. Даврийлиги: ойида бир марта чоп этилади. (бир йилда 12 марта).

Ҳар қандай нашр пайдо бўлар экан, албатта, унинг мақсад ва вазифалари олдиндан белгиланиб олинади. “Gulxan” журналининг мақсад ва вазифаси, болалар онгида миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, маданий-тарихий мерос, миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириш, дунёвий билимлар оламига олиб кириш, улардаги ижод куртакларини намоён этиш, рағбатлантириш, дўстлик, қардошлик туйғуларини қарор топтириш, болаларда миллий ифтихор, ватанга садоқат, мустақиллик туйғусини шакллантиришдан иборат. Вазифаси эса шу каби туйғуларни болалар тилида ёзиб, турли жанрлар орқали сингдиришдир. Бир

³² Жабборов Ж. Ҳайрат фасли // “Гулхан”, 2009 й, 10 - сон, 4-бет.

³³ Жўраев.А. Саксон лаҳза қувончлари // “Гулхан”, 2009 й, 10 -сон, 1-бет.

сўз билан айтганда, мавзуларининг ранг-баранглиги жиҳатидан бадиий адабиёт, санъат, халқ ижоди, турли спорт ўйинларининг тарғиботчисидир.

Журналда "Муҳаррир суҳбати", "Нишона", "Адабиёт ва санъат", "Маориф ва спорт", "Хатлар ва оммавий ишлар", "Соғломжон", "Табиат", "Фонд лойиҳаси"³⁴ "Сабоқ", "Доғойна", "Шифобахш ўсимликлар", "Оламшумул кашфиётлар"³⁵, "Талант – миллат мулки", "Тафаккур томчилари", "Илк қадам", "Ким нимани совға қилади", "Гулхан рекордлар китоби", "Тенгдошларингиз ижодидан", "Пазанда", "Таълим ислохотлари", "Интернет тармоғи", "Оналар ҳақида"³⁶ каби қатор рукнлар остида материаллар бериб борилади. Асосан, болалардан келган хатлар орқали келган шеър, ҳикоя, сурат, оламшумул кашфиётлар, истеъдод эгалари, рекордлар, интернет афзалликлари-ю зарари ҳақидаги мавзулар доирасида мақолалар чоп этилади. "Мурғак кўнгил изҳори", "Митти муҳаррир", "Сўранг, жавоб берамиз", "Сен ва ўқитувчинг", "Тор кўчадаги тўкнашув", "Гулханжон конверт очганда", "Ўйғонаётган умидлар", "Чакмоқ" каби саҳифалар ана шундай мактублар маҳсули сифатида "дунёга келган". Йилма - йил журнал янги рукн ва саҳифалар билан бойиб бормоқда.

Журнал тўрт бўлим асосида фаолият юритади:

1. Хатлар бўлими;
2. Адабиёт бўлими;
3. Санъат бўлими;
4. Кариктура бўлими. (имловий хатоларни тузатиш билан шуғулланади)

Хатлар бўлими - журналда энг асосий ролни ўйнайди. Кўп масъулият талаб қилинадиган бўлим ҳам айнан шу. Сабаби, болалар нашрлари

³⁴ "Гулхан" журналининг 2009 йил рукнлари.

³⁵ "Гулхан" журналининг 2010 йил рукнлари.

³⁶ "Гулхан" журналининг 2011 йил рукнлари.

ижодкорлари кўп вақтини болажонлардан келган хатларни таҳрир қилиш, матбуот учун лойиғини нашр қилиш учун саралаб олиш, қолганларига жавоб хатлари ёзиш билан ўтказадилар. Шунингдек, улар ижодкорлари таҳририятга келган хатларни бошқа тегишли бўлимларга тақсимлайдилар.

Адабиёт бўлими – хатлар асосида ёки таҳририятга келган болаларнинг шеър ва ҳикояларини нашрга тайёрлаб беради. Ижодкорлар болаларга шеър ва ҳикоя ёзиш йўлларини тушунтириб боради. Улар ёзган мақолаларда ҳам адабиётни бола қараши ва тушуниши орқали ҳис қилишларини пайқаш қилиш эмас.

Санъат бўлими – аслида кўп нашрларда адабиёт ва санъат бўлими бир бўлим сифатида фаолият юритади. “Gulxan” да эса бу биров бошқачароқ. Сабаби, қанча шеър, ҳикоя келса, ундан икки баробар кўп болалар томонидан чизилган суратлар келади. Бўлим ижодкорлари шу суратларни нашрга тайёрлаш билан бирга, санъат соҳасига эндигина кириб келаётган истеъдод эгаларини кашф қилиш билан ҳам шуғулланади. Буни журнал бош муҳаррири Ашурали Жўраев шундай изоҳлайди:

“Ҳозир “Gulxan” га келаётган мактубларнинг кўп қисмини расмлар ташкил қилади. Расм чизишга иштиёқи баланд болалар кўп. Бу албатта, яхши. Чунки, расм чизиш болалар дунёқарашини кенгайтиради, ранглар дунёсига ошно этади. Келаётган ҳамма расмларни чоп эта олмаётганимиз боис, санъат бўлими томонидан журналда илова ташкил этиш ғояси берилди. Бу жуда ҳам самарали чора бўлди. Иловада мухлислар чизган расмлар билан бирга болалар ҳаётидаги қизиқарли воқеалар саргузаштлар ва хангомалар, латифалар, шеърлар, ҳикоялар чоп этириляпти”. Шу каби бўлимларда 12 ходим (шундай 8 таси ижодий ходим) фаолият юритади.

Болалар журналистикасининг бош вазифаси - жамиятнинг қайноқ ва долзарб вазифаларини ёритиш билан бирга ўқувчиларни жаҳон адабиёти вакиллари, қолаверса, ўзбек ёзувчиларнинг янги асарлари билан танитиб

бориш, бир сўз билан айтганда, болаларни бадий адабиётга бўлган қизиқишини уйғотишдан иборат.³⁷

Болага ота-она ва оила моҳияти қанчалик яхши тушунтирилса, у ўзининг оиласи олдидаги маъсулиятини ҳам шунчалик англаб етади. Бу эса уни ўқиш ва изланишга ундайди. Адиб Озод Шарафиддинов бола маъсулиятини жамият тараққиёти билан боғлаб шундай деган: "...маъсулият болаликдан бошланади. Бугун болаларни болалар матбуотига бўлган қизиқишини уйғотиб, уларни "Gulxan" мактабида шакллантирсак, бола руҳиятида талабчанлик, маъсулият каби ҳислар шаклланади. Кейинчалик бу маъсулият кучайиб, ривожланиб, боради. Ҳаётнинг муҳим омилига айланади. Агар ўзининг ҳаракати учун маъсулият бўлмаса, ҳеч қандай тараққиёт ҳам бўлмайди. Болалик бу олисдан кўринган машъалга ўхшайди."³⁸

"Болалар жураналистикаси - бу беғубор журналистика. Болалар газетаси ва журналлари - қисқа, лўнда ва қизиқарли воқеаларга бой нашр. Унда олди-қочди кетмайди, болаларни алдаб ҳам бўлмайди. Болалардан келган беғубор хатлар, мақола, ҳикоя, репортаж, шеърлар, эртаклар ҳамда турли - туман даъватномалар билан газета-журналлар пайдо бўлади. Бу газета ва журналларни ўша вақтлардан то ҳозиргача кирмаган хонадони, ўқилмаган синф газетхони бўлмаса керак".³⁹



"Tong yulduzi" газетаси ҳам айнан ана шундай нашрлардан биридир. Халқимизнинг кекса авлоди, ўрта ёшлардаги ота-буваси ва ҳозирги кундаги болалари ҳамда неваралари мутолаа қилаётган "Tong

³⁷ Аъзамов М. Жасорат // "Гулхан", 2009 й, 10 -сон, 8-бет.

³⁸ Шарафиддинов О. Маъсуллик болаликдан бошланади // "Хуррият", 2000 й, 15 - сентябрь.

³⁹ Раззоқов. Ж. Беғубор журналистика // "Тонг юлдузи", 2009 й, 5 - октябрь.

yulduzi” gazetasi kўp йиллар миллионлаб муштарийларнинг сеvimли нашрларидан ҳисобланади.

“Tong yulduzi” болалар ва ўсмирлар газетаси 1929 йил 1 августдан "Ленин учқуни" номи билан фаолиятини бошлаган. Самарқандда "дунёга келган" илк болалар газетасининг адади дастлаб уч минг нусхани ташкил этган. 1931 йилдан эътиборан газета Тошкент шаҳрида нашр этиб келинмоқда. Газета 1992 йилдан бошлаб “Tong yulduzi” номи остида чоп этилади. Мустақиллик туфайли “Tong yulduzi” газетаси ҳам мазмунан, ҳам шаклан янада гуллаб - яшнади. Энг қийин пайтларда, газетани нашр қилишда узилишлар бўлган даврда шахсан Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати билан “Tong yulduzi” оёққа турди. Бу беқиёс катта ғамхўрлик ҳозиргача давом этмоқда.⁴⁰

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ЁИХ Марказий кенгаши, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ҳайрия жамғармаси муассислигида нашр этилади. Нашр ўз олдига болалар ва ўсмирларни она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳизмат қилиш вазифасини қўйган. Шунингдек, давлатимиз сиёсатини содда, равон тилда етказиш дунёқарашини кенгайтириш, билим ва салоҳиятини янада бойитиш, она табиатни севиш ва асраш каби муқаддас вазифаларни мақсад қилган. Газета ўзбек тилида ҳафтасида бир марта (йилида 52 марта) 8 бетдан иборат ҳажмда нашр этилади.

2000 йилдан ҳозирга қадар газетада бир қанча рукнлар ва қизиқарли саҳифалар остида мақолалар чоп этиб келинмоқда.

Авваллари газета оқ-қора рангда нашр қилинган, 2003 йилдан газетанинг биринчи ва охириги бетлари рангли чиқа бошлади. Ҳозир эса

⁴⁰ Раззоқов Ж. Тонг юлдузи шуъласи // “Тулхан”, 2009 й, 10 - сон, 6-7-бет.

рангли тарзда чоп этилади. "Tong yulduzi" газетаси хатларни "Тенгдошларинг ижоди", "Хатлар тегирмони", "Бувимга мактублар" сарлавҳалари остида чоп этади. Газета бош муҳаррири Феруза Жалилованинг айтишича, бир йилда «Tong yulduzi» газетаси йигирма-ўттиз минг атрофида хат олар экан.

– Янги ахборот технологияларнинг кўпайганлиги боис, мактублар сони ҳам бироз камайган. Мен бундан 32 йил олдин шу газетанинг хатлар бўлимида фаолият юритганимда, хатлар кўплигидан қопларга сиғмай қолар эди. Аммо, бугунги ахборий жамиятда болалар матбуоти учун бу ҳам ёмон кўрсаткич эмас.

Болалар журналистикасида кичкинтойларга бевосита мурожаатнинг устуворлиги унинг яна бир муҳим белгисидир. Бундай мақолаларнинг аксарияти ёшлар билан фикр алмашинув, дўстона гурунг, мушоҳадага киришиш, тенг мулоқотга кириши ва мурожаат усулида ёзилади. Натижада, ўқувчи мулоҳаза юритиш, воқеликни таҳлил ва талқин этиш, уларга муносабат билдира олишга чоғланади. Шу орқали ижтимоий онг уйғониб, ижтимоий дунёқарашнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Газета катта ёшдагилар ва болалар матбуотига боғлиқ бўлган шахслар билан, ёш истеъдодли болалар билан кўплаб суҳбатлар ташкил этган. Газета саҳифаларида бундай суҳбатларни бериб бориш эса муҳлисларга маълумотлар бериш билан бирга юқори чўққиларга интилиш ҳиссини ҳам шакллантиради. "Тонг юлдузи" да алоҳида "Мактаб саҳнаси учун" рукни ташкил этилган. Унда мактабда ўтказиладиган байрам сценарийлари билан бирга, тадбир хабарлари, лавҳалар, фотоқўргазмалар берилади. Бу каби тадбирлар саҳифада бола тилидан сўзланиши билан эътиборни тортади.

Навбатдаги "Оламда гап кўп", ёки "Бир ўқ атрофида айланар дунё" саҳифалари дунёда бўлаётган янгиликлардан боҳабар этади. Унда асосан интернет манбаларидан хабарлар таржима қилиб болаларга етказилади. Бундан ташқари "Грузияда ўғирланган БМТ вакиллари озод этилди", "Барак истеъфога чиқмоқда", "Хитойда Фалун-гон аъзоларининг намоиши", "Навоз

шариф мулки мусодара қилинди"⁴¹ ёки икки давлат ўртасидаги мунозарали маълумотлар саҳифада берилади. Ёш бола бу каби қийин жумлаларни тушунмаслиги аниқ. Ўз - ўзидан бу саҳифани шунчаки варақлаб кетишга мажбур бўлади. Эндиликдаги “Tong yulduzi” газетаси саҳифаларида бундай мазмундаги хабарларга барҳам берилган.

Газетада ташкил этилганидан то ҳозиргача анаъана сифатида муқим сақланиб келинаётган одат мавжуд. У ҳам бўлса, ҳеч бўлмаганда бир ойда бир марта газета ичида китоб нашр этилади. Китоб кесишга мўлланган бўлиб, уни мухлислар кесиб китоб ҳолига келтириб, кутубхонасини тўлдириши мумкин. Газетанинг собиқ бош муҳаррир Тўлқин Ҳайитов бу ҳақда шундай дейди: "Ўқувчиларимизни лотин алифбосида босилган китобларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда мактаб кутубхоналар фондини тўлдириш мақсадида, эндигина ёзилган "иссиқгина" эртақларни, асарларни айнан бизнинг газетамизда биринчи бўлиб ўқишлари учун, газетамизнинг ҳар ойдаги ички саҳифаларида китобчалар чоп этаяпмиз. Мухлисларимиз уни китоб шаклида қирқиб олиб, мактаб кутубхона фондини тўлдиришмоқда. Тасаввур қилинг болаларга саксон мингта газета етиб борадими, демак, бу саксон минг китоб бор дегани. Бугунги юрт болалари кечагидан анча фарқ қилади. Демак, чиқараётган газета ва китобларимиз ҳам уларга мос бўлиши керак. Болалар газета ва китобларни ўқимай қолишди деган гапга умуман ишонмайман. Биз уларнинг эҳтиёжларини қондирадиган газета ва китобларни нашр қилсак, улар албатта ўқишади".

Газета қошида "Ёш мухбирлар" тўгараги ташкил этилган бўлиб, у фаолиятини мунтазам олиб боради. Бугунги кунда унинг иштирокчилари сони олти юздан ошган. Шу тўгарақда етишиб чиққан бир қанча истеъдод эгалари Зулфия номидаги Давлат мукофотиға, “Келажак овози”, “Янги авлод” каби кўрик-танловларнинг совриндори бўлиб келмоқда. Мисол учун, 5 синфдан

⁴¹ “Тонг юлдузи” газетаси 2009 йил таҳламлари.

бери газетанинг доимий ўқувчиси бўлган Дилафрўз Усмонова 2007 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. Бу ҳам газетада ташкил этилган тўғаракнинг кичик бир ютуғидир. Газета таҳририятида 5 та бўлим фаолият кўрсатади:

1. Адабиёт ва санъат бўлими,
2. Маънавият бўлими,
3. Мактаб ва мактабдан ташқари таълим бўлими,
4. Спорт бўлими,
5. Хатлар бўлими.

Бўлим ижодкорларининг асосий мақсади ҳам болаларбоп асарлар яратишдир. Саҳифалар ёки бирор рукн ташкил қилишдан олдин таҳририят ходимлари болаларнинг вақти ҳамда мавзунинг аҳамияти ва долзарблиги ҳақида кўп бош қотиришади. Болаларга дарс вақтида ҳалақит бериб бўлмайди. Шунда уларга берилган танаффусдан унумли фойдаланган ҳолда, "Қувноқ танаффус" саҳифасини ташкил этилган. Ушбу саҳифа жуда самарали натижа берди. Шунингдек, "Қизлар академияси" саҳифасининг нуфузи ошди. "Доно бобо" нинг ҳам ўз мухлислари бор. "Истиқлол илҳомлари" га келаётган хатларнинг сони жуда кўп. Ёш мухбирлар орасидан турли кўрик - танловларда ғолибликни қўлга киритаётган ўқувчиларнинг борлиги ҳам таҳририятнинг ютуғи. Газета ходимлари вилоятда мавжуд ижодий тўғараклар билан узвий алоқа ўрнатган. Уларда қатнашаётган ёш мухбирларнинг ижодларидан намуналар газета саҳифаларида мунтазам бериб борилади. Шунингдек, газетада болаларнинг талаб ва истакларига мос равишда саҳифа ва рукнлар мониторинги ўтказилади. Саҳифа ва рукнлар мухлислардан келган хатлар асосида ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Умуман, болаларбоп барча асарларда ёш авлоднинг дунёқараши, тафаккури, ўй-кечинмалари, орзу - истаклари, воқеликка эстетик муносабати ўз ифодасини топади. Уларнинг аксарияти ёзувчилар (катталар) томонидан яратилсада, воқелик болалар дунёқараши нуқтаи назаридан талқин ва тадқиқ

этилади, болалар тилидан ҳикоя қилинади ва баҳоланади. Акс ҳолда, болалар уни идрок эта олмайди. Табиийки, бундай баён усули болалар публицистикаси намуналари учун ҳам белгиловчи аҳамиятга эга. Матбуотда хизмат қилаётган ҳар бир ходим болаликнинг покиза оламидаги беғуборликни, соддаликни ва самимиятни ўқувчилар қалбига етиб борадиган тарзда маҳорат билан бахш этиши лозим.

"Бола тилида ёзиш, ижод қилиш жуда қийин жараён. Муаллиф болалар руҳиятидан келиб чиқиб ёза оладиган, уларнинг нима хоҳлаётганини, нима қизиқтираётганини ҳис қилиши керак. Болалар учун ёзадиган ижодкорларнинг неча ёш бўлишидан қатъий назар қалбининг бир четида болаларча беғуборлик, қувноқлик, кези келганда, қайсарлик ва тантиқлик бўлар экан. Яна шуниси ҳам борки, муаллиф ёзаётган асарида боланинг қалби, дунёси, ҳис – туёғуларини нечоғлиқ англаши сезилиб туради".⁴²

“Tong yulduzi” таҳририяти ходимлари республиканинг турли ҳудудларига, таълим муассасаларига ижодий сафарлар уюштиради. Ўқувчилар билан юз-юз гаплашиб, уларнинг талаб ва истаклари, қандай мавзуларга қизиқишини ўрганади. Бу тажриба газета фаолиятини қизиқарли олиб боришга ундайди. Газета таҳририяти ўз кутубхонасидан вилоятдаги мухлислар учун китоблар совға қилади. 2008-2009 йилдаги ижодий сафарда “Tong yulduzi” газетаси ўқувчиларга ўттиз уч мингдан ортиқ китоблар – роман, қисса ва эртакларни мамлакатимиз мактаблари ва ёшларига совға қилган. Вилоятга қилинган сафардан сўнг, ўша вилоятга аталган газетанинг махсус сони нашр қилинади. Вилоят ёшларига аталган махсус сон рангли қоғозда, фақат вилоятдаги ёшларнинг ижодлари, уларнинг ютуқларига бағишланади. Вилоятлардан тез-тез ёзиб турадиган жамоатчи мухбирларнинг асосий қисмини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Ҳозирда уларнинг сони олти юз нафардан ошган.

⁴² Отакулова Э. Болалар нашрларига эътибор // “Хуррият”, 2010 й, 7-апрель.

Бугун ўзбек болалар журналистикасининг ўрни янада баланд ва юксак бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айниқса, “ахборот асри” янги имкониятлар очиш билан бирга ёшлар дунёси олдида ҳам янги-янги муаммолар деворини кўндаланг қўймоқдаки, унинг қамровини кенгайтириш лозимлиги ўз-ўзидан равшан бўлиб қолмоқда.⁴³ Дарҳақиқат, бугун болалар нашрлари қамрови ҳар қачонгидан кенг. Юқоридаги “Gulxan” журнали, “Tong yulduzi” газетаси билан бир вақтда пайдо бўлган “G’uncha” журнали ҳам узок тарихни босиб ўтган.



1950 йилларда болалар журнали “Gulxan” бор эди-ю, лекин боғча болалари ва бошланғич синф ўқувчиларининг махсус журнали йўқ эди. Ниҳоят, 1957 йилнинг 15 декабр ойда кичкинтойлар журналини чиқаришга қарор қилишди. Ушбу қарорда янги журнални 1958 йилдан чиқара бошлаш айтилган эди. Аммо янги йилдан журнални чиқариш муаммо эди. Чунки ҳали ижодий гуруҳ шаклланмаган, муҳаррир ва ходимлар танлаш, ундаги материалларнинг мазмуни, саҳифаларнинг безатилиши расмларни тайёрлаш учун камида икки-уч ой керак эди. “Ўша вақтда мен “Gulxan” журналининг муҳаррири бўлиб ишлардим. Шунда, “Gulxan” журнали таҳририяти январ ойида кичкинтойлар журналининг биринчи сонини чиқариб беришга ваъда қилди. Бунинг учун журнал ходимларини иккига тақсимлашга тўғри келди. “Gulxan” нинг ўша вақтдаги бадиий муҳаррири, болалар матбуотига кўп меҳнати синган rassom Анатолий Сиглинсев билан мен “G’uncha” ни тайёрлашга киришиб кетдик. “G’uncha” нинг биринчи сони 1958 йил 27 январ куни чикди. 2-сонидан бошлаб, журнал унинг биринчи муҳаррири Абдусодиқ Ирисов раҳбарлик қилган таҳририят чиқарди”.⁴⁴

⁴³ Ҳайитов Т. Бу оламга кириш қийин // “Ўзбекистон матбуоти”, 2009 й, 1-2-сон.

⁴⁴ Жабборов Э. Ғунчаойнинг туғилиши // “Ғунча”, 1998 й, 1-сон.

Журналнинг илк сонларида асосан бадиийликка урғу берилган. Сабаби, унда фақат топишмоқ ва мақолларга, турли матн ва эртакларга мос бўлган ҳар хил суратлар чизилган. Рассомларни иши кўпроқ кўринган. 1958 йилнинг 3-сонидан бошлаб журнал таҳририятига болалардан мактублар кела бошлаган. У хатларда асосан болалар чизган суратлар ўрин оларди. Журналда махсус рукн ва саҳифаларга ажратилмаганди. 1978 йилга келиб “Ғунчаойнинг ажойиб қутисидан”⁴⁵ деб номланган илк рукн ташкил этилган. Шундан сўнг рукнлар ташкил қилиш одат тусига айланган. Журнал таҳририяти ўша даврда хорижий болалар нашрлари билан ҳамкорлик қилган. Мисол учун, Хитой болалар журнали “Сяопэнь”⁴⁶ да нашр қилинган турли қизиқарли материалларни таржима қилиб беришган. Бундан ташқари Озарбайджон болалар нашри “Ғеярчин”⁴⁷, Латвия болалар журнали “Зилите”, “Генис”⁴⁸ каби нашрлар билан доимий алоқада бўлган. Журналнинг 20 йиллик тўйи муносабати билан “Мурзилка” (Москва), “Скынтея лининистэ” (Молдавия), “Тяхеке” (“Юлдузча” Эстония), “Малятко” (“Кичкинтой” Украина), “Вясёлка” (“Камалак” Беларуссия), “Дила” (“Тонг” Грузия), “Балдирған” (“Куртак” Қозоғистон), “Гянис” (“Қизилиштон” Литвия), “Зилите” (“Читтак” Латвия), “Барвинок” (Украина), “Бойчечекей” (Қирғизистон)⁴⁹ каби чет эл болалар нашрларидан табриклар келган. Бундан юқоридаги газета ва журналлар “G’uncha” билан доимий ҳамкорлик қилганлигини пайқаш мумкин. Сабаби унинг деярли ҳар бир сониди япон, араб, хитой, инглиз халқ эртаклар таржималари бериб борилган. Журнал саҳифаларида рус тилини ўргатишга катта аҳамият қаратилган. Шу билан бирга, спорт мавзусида мақолалар,

⁴⁵ “Ғунча” журнали, 1978 йил, 5-сон.

⁴⁶ “Ғунча” журнали, 1958 йил, 6-сон.

⁴⁷ “Ғунча” журнали, 1968 йил, 1-сон.

⁴⁸ “Ғунча” журнали, 1968 йил, 5-сон.

⁴⁹ “Ғунча” журнали, 1978 йил, 1-сон.

болалар шоири ва ёзувчиларининг асарларидан парчалар берилган. Рассомлар томонидан бир – бирига боғлиқ суратлар чизилиб, болаларни шу асосида эртак тузишга ундаган. Умуман журнал болаларнинг ҳам ақлий, ҳам маънавий дунёсини ўстиришга хизмат қилган. Хўш, журнал 54 йил давомида бир номда нашр қилинадими? Унинг номи қандай дунёга келган? Бу саволга журналнинг биринчи нашрини “дунёга келтирган” адиб Эркин Жабборов шундай дейди:

- Ном танлашда “Gulxan” атрофида фаол ишлаб, ижод қилаётган кишиларни жалб этдик. Баъзилар журнал номини отахон шоиримиз Ғафур Ғулом қўйиб берганлар дейди. Бироқ, ўша пайтда Ғафур Ғулом қаттиқ бетоб эдилар. Шу сабабли у киши ном танлашда қатнаша олмаганлар. Ном топиш мақсадида юборган мурожаатномаларимизни ёзувчилар, шоирлар, ўқитувчилар, журналхонлар безътибор қолдиришмади. Натижада, жуда кўп таклифлар бўлди. Улардан ўнтасини таҳририят ходимлари танлаб олиб, муҳокамага қўйдик. Ҳаммага “G'uncha” номи маъқул келди.⁵⁰ “G'uncha” журнали ойида бир марта (йилида 12 марта) 2 босма табоқ, 16 бетдан иборат ҳажмда нашр этилади.

– “Журналининг “Ғунча”, “Ҳикоят”, “Шеърли сандиқ”, “Зарварақ”, “Боболар ҳикмати”, “Мумтоз лаҳза”, “Биз ўйнаган ўйинлар” каби рукнларда мунтазам журналхонлар ҳузурига кириб боради. Фикрлашади... Ўз сўзини айтади. Мана шуларнинг самараси сифатида ўтган йили таҳририятга саккиз юз нафардан зиёд ўқувчилардан келган икки мингга яқин ижод намуналардан бир юз элликка яқини журнал саҳифаларида чоп этилди.

Тарбия - оилавий мулоқотлар, авлодлараро муносабатларнинг илдизидан қувват олади. Миллий қадриятлар, анъанавий урф-одатлар эъзозланган оила мустаҳкам бўлади. Бу мавзу ҳамиша журналнинг долзарб мавзуларидан бири бўлиб келган. 2011 йил журналда нашр этилган “Онанинг совға танладингизми?”, “Бобомнинг эртаклари”, “Энг чиройли

⁵⁰ Жабборов Э. Ғунчаойнинг туғилиши // “Ғунча”, 1998 й, 1-сон.

дарахт”, “Менинг уйим - кўрғоним”, “Энг азиз китоб”, “Ватаним”, “Ўқитувчимнинг дастхати”, “Ўғлимга дарсликлар” сингари саҳифаларда берилган ҳикоя, шеър ва мақоллар орқали бола қалбида оила тафти, меҳр-оқибат, ишонч, умид ва самимийлик туйғулари шаклланади. Истеъдодларни кашф этиш, ёритиш эса журнал таҳририяти ходимларининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Илм-фан, санъат, адабиёт, маданият, спорт соҳасида ибратли натижаларга эришган тенгдошлар ҳаёти журналнинг доимий мавзуси. Журнал ўзига хос дизайн асосида замонавий қиёфага кирди, янги бадиий асарлар билан бойиди. Журналда жаҳон болалар адабиёти дурдоналардан таржималар алоҳида ўрин тутди. Улардан Оскар Уайльд, Хоис Христиан Андерсен, Жанни Родари, Лев Толстой, Михаил Пришвин, Марина Цветаева, Расул Ҳамзатов асарлари болаларни дунё адабиёти бўйлаб “сайр”га етаклайди.

“G’uncha” журналида 8 та ходим (шулардан 6 таси ижодий ходим) фаолият юритади. Кичик жамоа бўлганлиги сабабли уларда бўлимлар ташкил этилмаган. Бугунги болалар журнали болалар учун мулоқот ойнаси, учрашув ўтказиш жойи десак адашмаган бўламиз. Сабаби, таҳририятдагилар журналда асосан муҳлислардан келган суратлар, ҳикоялар ва шеърлар билан бойитишга ҳаракат қилишади. Болалар эса шу майдонда бир-бирларини ёзган ижод намуналаридан баҳраманд бўлишади.



2004 йилнинг сентябр ойидан чоп этила бошлаган “Bilimdon” журнали “Bilimdon Press” маъсулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган. Илмий услубий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий нашр ҳисобланган журнал бир ойда икки маротаба Муҳаммаджон Ходжаев муҳаррирлигида Фарғона вилоятида чоп этилиб, республика миқёсида тарқатилади. Ушбу нашр ҳусусида М.Қодиров ўзининг “Болаликнинг рангин дунёси” сарлавҳали мақоласида шундай ёзади: “Мазкур

нашрнинг ўзига хос энг муҳим жиҳати шундаки, муаллифларимиз асосан ўқувчиларимизнинг ўзларидан иборат. Саҳифаларда уларнинг орзу-ўйлари, тасаввур дунёси, интилишлари, ижодий салоҳияти намоён бўлади. Булар тетапоё шеърлардан тортиб пишиқ-пухта назм ғунчаларини, расмкашлик намуналарини, ахлоқ-одоб, она юрт ва табиатга муҳаббат каби мавзуларни қамраб олган турли рукнлардаги материалларни ташкил этади”.⁵¹

Биз тадқиқотимизда болалар матбуотининг етакчи нашрлари билан эндигина шу оламга қадам қўйган нашрни таққослаш мақсадида эмасмиз. Бироқ муаллиф томонидан мамлакатимизнинг етакчи нашри ҳисобланган “Хуррият” газетасида чоп этилган юқоридаги фикрларга бироз мунозарали. Чунки биз тадқиққа тортган болалар журналлари ичида “Bilimdon” журналича берилаётган материалларнинг 90 фоизини интернет манбаларидан олинган турли қизиқарли маълумотлар ташкил этишига гувоҳ бўлдик. Буни журнал муқовасининг сўнгги саҳифасида “журнални тайёрлашда интернет материалларидан фойдаланилди”⁵² деган қайтнинг берилганидан ҳам билиб олса бўлади. Шунини назарга тутган ҳолда, журнални илмий услубий, маънавий-маърифий, адабий-бадий нашр сифатида қабул қилиш ҳам нотўғридай, назаримизда.

Журналда “Буюк сиймолар”, “Ўйинларда фанлар”, “Бу жуда қизиқ”, “Сўз ўйини”, “Зукколар зерикмасин”, “Ўйла, изла, топ!”, “Комикс”, “Танаффус”, “Ранглар жилоси” каби рукнлар орқали комикслар, эртақлар, тез айтиш, топишмоқ, турли математик ўйинлар ва крассвордлар берилади. Рангли нашр қилиниши жиҳатидан ва кичик ёшдаги болажонлар учун қизиқ бўлган ўйинларни топиб бериши жиҳатидан журнал жуда ҳам бой. Журнал бугунги кунда 66.000 дан ортиқ нусхада чоп этиляпти.

⁵¹ М.Қодир. Болаликнинг рангин дунёси. // “Хуррият”, 2011 йил, 22-июнь.

⁵² “Билимдон” журналича, 2012 й, феврал 3-сон.



“Изланиш, интилиш, ташаббус” шиори остида 2007 йилнинг 16 апрелдан “Dono Word” журнали нашр қилиниб келинмоқда. Журнал икки ҳафтада бир марта “Dono Word Press” муассислигида Фарғона вилоятида чоп этилади. Бу журнал ҳам илмий-услубий, маънавий-маърифий, адабий-бадний нашр ҳисобланади. Журнал асосан балоғат ёшидаги ёшларга мўлжалланган. Унда берилаётган мақолаларнинг мавзу кўлами бироз жиддийроқ аҳамият касб этади. Мисол учун, “Дўстингизни қанчалик биласиз?”⁵³, “Тсс... тилингни тий”⁵⁴, “Сиз мустақилмисиз?”⁵⁵, “Қанча ухлаш керак?”⁵⁶, “Физиогномия”⁵⁷ каби мақолаларда айнан балоғат ёшдагилар учун жуда муҳим маълумотлар берилиб, руҳшунос маслаҳатлари асосида ёритилган. Шунингдек, журналда инглиз тилини ўргатиш бўйича махсус саҳифа ташкил этилган. Шу саҳифада берилаётган топшириқлар ҳам 5-7 синф болалари учун мўлжалланган. “Лаззат” саҳифасида уй шароитида тайёрлаб бўладиган овқатлар ва пишиқлар рецепти бериб борилган. Бу саҳифа ҳам кизлар учун жуда фойдали. “Ўзбек адабиёти” рукнида Худойберди Тўхтабоев билан суҳбат, Навоий авлодлари ҳақида маълумотлар, инглиз ёзувчиси Марк Твен ва бошқа ижодкорларнинг асарларидан парчалар нашр қилинган. Журнал кўтариб чиқаётган мавзу кўлами кенг. Донохон Ҳамроқулова муҳаррирлиги остида нашр қилинаётган “Dono Word” журнали 30.000 дан ортиқ нусхада чоп этилади.

⁵³ “Доно Ворд” журнали, 2012 й, январь 2-сон, 13-бет.

⁵⁴ “Доно Ворд” журнали, 2012 й, январь 2-сон, 15-бет.

⁵⁵ “Доно Ворд” журнали, 2012 й, январь 3-сон, 6-бет.

⁵⁶ “Доно Ворд” журнали, 2012 й, январь 3-сон, 17-бет.

⁵⁷ “Доно Ворд” журнали, 2012 й, январь 3-сон, 15-бет.



2007 йилнинг феврал ойида яна бир болалар газетаси “Истиқлол пресс” маъсулияти чекланган жамият муассислигида Самарқанд шаҳрида “Bulbulcha” номли газета нашр қилиниб, унинг бугунги адади 31.000 нусхани ташкил этади. Газета Олима Маҳмудова муҳаррирлиги остида 8 бет (4 варақ) ҳажмда нашр этилади. Мактаб болалари учун маданий-маърифий ва бадиий нашр ҳисобланган бу газетада “Комиллик сари”, “Билиб кўйган яхши”, “Тенгдошларинг ижодидан”, “Эртақ”, “Ақлингизни чархланг”, “Ўйла, изла, топ”, “Ҳордиқ” каби рукнлари мавжуд. Ушбу газета ҳам асосан юқорида нашрлар каби турли хил бошқотирмалар, топишмоқлар, эртақлар, жумбоқлар ва турли хил крассвордлар берилади. Бу газета ҳам асосан интернет манбаларидан фойдаланган ҳолда фаолият юритади.

- Болалар нашрларининг кўпайгани яхши албатта. Лекин болалар нашрларини очишга жуда эҳтиёт бўлиб ёндашиш керак. Сабаби, бозор шароитини рўқач қилиб, болалар учун бўлар-бўлмас газета ёки журнални чоп этишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар қандай ижодий рақобат замирида маънавий тарбия бўлиши лозим. Айниқса, болалар нашрлари масаласида деб ўйлайман. Сабаби, болаларга нима тавсия қилсак ўқийверади ёки мактаб ҳар қандай болалар нашрини олаверади, деб ўйлайдиган “сарик матбуотчи”лар жиддий хато қилади. Мактаб “бемаза қовун уруғини” кўпайтирадиган маскан эмас, аксинча билим ўчоғи эканини ёдда сақлашимиз керак. “Алдагани бола яхши” деган мақол шиорга айланмаслиги керак. “Gulxan”, “Tong yulduzi”, “G’uncha”, “Класс!” нашрларининг вазифаси аниқ. Ва улар бу вазифаларни бажариб келаётир, десам ноўрин бўлмайди. Лекин юқорида тилга олган бошқа нашрлар ҳақида ҳозирча бирор нарса дейиш қийин. Улар изланишда, ҳамон болалар қалбига йўл топишга ҳаракат қилишмоқда. Лекин минг афсуски, улар болаларни фикрлашга эмас, олди-қочди, енгил-елпи нарсаларга ўргатиб кўяётгани ташвишли ҳолдир. Фақат мультфильмлардан олинган суратлар,

турли мавзудаги комикслар билан саҳифаларни тўлдириш бу ҳали газета ё журнал чиқариш дегани эмас. Ҳар қандай нашр чинакам ижод маҳсули эканини унутишга ҳаққимиз йўқ”.⁵⁸

Ота-она боласи учун сотиб олаётган нашрдан кўнгли тўлсагина, шуни боласига раво кўради. Болалар нашрлари болаларга жамият, дунё ҳақида рост ва аниқ маълумотлар бериши керак. Бола нашр орқали жамиятни тасаввур қилади. Балки унинг келажagini қуришга шу нашр сабаб бўлиши мумкин?! Турли олди-қочди нарсалар эса уни “енгил” ҳаёт кечиришга ўргатиб қўймасмикан?! Зеро, болалар нашрлари бераётган ҳар бир жумлада тарбиявий аҳамият катта рол ўйнашини унутмаслик лозим.

- Ёлғон яшиқ, олди-қочди нашрларни чоп этиш учун газета чиқариш шарт эмас. Қоғознинг ҳам уволи борлигини унутмайлик. Агар ўқувчига айтадиган муҳим гапингиз бўлмаса, чоп этадиган нашрингиз қўлма-қўл ўқилишига кўзингиз етмаса ва у одамларга маънавий тарбия беришдан йироқ бўлса, унда қоғознинг уволига қоласиз.⁵⁹

Бир томондан болалар нашрларининг кўпайгани яхши. Ўшанда улар орасида соғлом рақобат вужудга келади. Энди улғайиб келаётган бола ҳам кўп ҳислатларни катталардан ўрганади. Катта бўлгани сари ўзининг мустақил йўлини танлайди. ОАВ “қозони” га тушган нашрлар ҳам келажакда ҳақиқий болалар нашрига айланса ажабмас.

2-БОБ. БОЛАЛАР НАШРЛАРИ ТАҲРИРИЯТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

⁵⁸ М.Юнусов. Қоғознинг ҳам уволи бор // “Хуррият”, 2009 йил, 2-июль.

⁵⁹ Ўша манба.

2.1. Таҳририят ижодий муҳитини яратишда бош муҳаррирнинг ўрни

*Газета – ижодий жамоа
умумий меҳнатининг маҳсули.
Жамоани шакллантиришда бош
муҳаррир бир қатор муҳим
жиҳатларга эътибор бериши
шарт.*

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Болалар нашрларининг “отахон”и ҳисобланган “Gulxan” журнали истеъдодли ижодкорлардан катта бир гуруҳини тарбиялаб, адабиёт ва журналистика оламига етказиб бергани улкан маънавий ҳодисадир. Унда Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Хожиакбар Шайхов, Латиф Маҳмудов, Эргаш Раимов каби таниқли шоир ва ёзувчиларнинг дастлабки шеър ва ҳикоялари нашр қилинган. Журналнинг узоқ йиллик фаолияти давомида бир қатор муҳаррирлар раҳбарлик қилганлар.

1. Ғани Жаҳонгиров (1952-1953 йй),
2. Собир Юнусов (1953-1955 йй),
3. Эркин Жабборов (1955-1962 йй),
4. Жуманиёз Жабборов (1962-1964 йй),
5. Яйра Саъдуллаева (1964-1971 йй),
6. Ўткир Зокиров (1971-1972 йй),
7. Тўлқин Қозоқбоев (1972-1977 йй),
8. Худойберди Тўхтабоев (1978-1983 йй),
9. Абдулла Орипов (1983-1985 йй),
10. Ойдин Ҳожиева (1985-1994 йй),
11. Сафар Барноев (1995-2001 йй),
12. Омон Матжон (2002-2006 йй).

“Gulxan” журнали фаолияти давомида раҳбарлик қилган ҳар бир каби бош муҳаррирнинг бошқарувчилик услуби ўзига хос. Ушбу ўзига хосликни айрим собиқ бош муҳаррирларнинг фаолиятларида кўриб ўтамыз.

Журналга Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов 1962-1964 йилларда бош муҳаррирлик қилган. Бу даврда ҳар бир боланинг дунёқарашини шакллантириш ва ҳаётда ўз йўлини топишига қаратилган мавзулар етакчилик қилган. Шунингдек, “Gulxan” журнаlining бу даври ўзбек адабиёти ривож учун ҳам муносиб ҳисса қўшган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Яйра Саъдуллаева 1964-1971 йилларда журналга бош муҳаррир бўлган. Ёш раҳбар сифатида Яйра Саъдуллаева “Gulxan” га катта иштиёқ билан кириб келди. Шу иштиёқ туфайли жамоа билан яхши тил топишди. Яйра Саъдуллаева ишлаган йилларда журнал савияси яна ҳам юқорига кўтарилди, мавзулар кўлами кенгайди. Ўқувчиларни журналга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ҳақда, Яйра Саъдуллаеванинг ўзи ““Gulxan” менга шуниси билан қадрлики, у мени бир умр болалар олами билан боғлади. Қалбингни шу оламга бахшида эт, дея кўлимга қалам тутқазди. Журналга муҳаррирлик қилган йилларим мен учун жуда азиз”, – дея таъкидлайди.

1971-1972 йилларда “Gulxan” журнаliga бош муҳаррирлик қилган Ўткир Зокиров ҳар доим ёшлар тарбияси, ёшларга билим бериш, уларни ҳар жиҳатдан комил инсон қилиб вояга етказишдек улуг ишни амалга оширишга ҳисса қўшди. Ҳар бир даврнинг ўз айтар сўзи бўлади. Журнал йиллар ўтиши, даврлар ўзгаришидан қатъий назар, ўзининг ибратли сўзини, болаларга фойда берадиган фаолиятини амалга оширди.

1972-1977 йилларда журналга Тўлқин Қозоқбоев бош муҳаррирлик қилди. У таҳририят ходимларини ташаббускорликка ундади. 1976 йил охирларида бир гуруҳ ёзувчиларни таҳририятга таклиф қилиб, ижодий ҳамкорликда қисса яратиш фикрини илгари сурди. Бу билан болалар адабиётида ҳашар асосида “Шум бола” кўринишидаги болалар қаҳрамони

образи яратишни тажрибада синаб кўришга бел боғлади. Бу тажриба ёзувчи ва шоирлар томонидан қўллаб – қувватланди. Таҳририят ташаббусини биринчи бўлиб машҳур адиб Шухрат маъқуллади ва энг оғир юмушни – муаллифлар розилигини олиш ва қиссани таҳрир қилишни ўз зиммасига олди. Шундай қилиб ўша қисса “Набира саргузаштлари” номи остида журнал саҳифаларида бериб борилди. Натижада “Gulxan” бошлаган ташаббус билан болалар учун янги бир саргузашт асар дунёга келди.

Журналга Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Худойберди Тўхтабоев 1978-1983 йилларда бош муҳаррирлик қилган. Шу даврда ҳар бир ходим журнал ўқишлилигини, таъсирчанлигини, оммавийлигини кучайтиришга ҳаракат қилган. Буни журналнинг ўша йилларда нашр қилинган сонларидан ҳам билса бўлади. Худойберди Тўхтабоев раҳбар сифатида ходимлар характери, дунёқараши, нимага қизиқиши, нимани ёқтирмаслигини кузатарди, ўрганарди. Бу кузатувлар нафақат раҳбар сифатида жамоани самарали бошқаришга фойда бериб қолмай, балки Х.Тўхтабоевга ижодкор сифатида яхши образлар яратишга илҳом берди. Унинг айнан болалар ёзувчиси сифатида танилиши ҳам “Gulxan” да ишлаб юрган пайтларига тўғри келди. Ўша йиллари ёзувчининг “Беш болали йигитча”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар” номли романлари яратилди. Х.Тўхтабоев ушбу романлар устида ишлаганда таҳририят ходимларидан руҳий қувват олди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов журналга 1983-1985 йилларда бош муҳаррирлик қилган. Шоирнинг ўзи бу даврларда жуда юксак даражадаги вазифа ва мансабларни эгаллаганини эътироф этади ва буларнинг барчасини ҳаёти, ижодий фаолиятининг энг гўзал ва унутилмас даври “Gulxan” журнали билан боғлиқлигини, айтиб ўтади. Чунки, А.Ориповнинг таъбири билан айтганда, ўспиринлик ҳокимияти ҳали яхшига ҳам, ёмонга ҳам айланиб улгурмаган беғубор оламдан иборат бўлади. У мисоли пластилин, ундан арслон ҳам, сичқон ҳам яшаш мумкин.

Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиёва ҳам кўп йиллар (1985 - 1994 йй) “Gulxan” журнаliga бош муҳаррир лавозимида ишлаган. Шоиранинг “Gulxan” журнаliда ишлаган кезларида таҳририятнинг ишчан, ғайратли, кўнгли тоза ходимларнинг ҳар бири “Gulxan” нинг обрўси, мавқеини юксалтиришга ҳисса қўшдилар. О.Ҳожиёванинг бош муҳаррирлик даврида журнал оқ қоғозда, рангли чиқа бошлади. Адади ҳам 500 мингдан ошди. “Баъзан хатлар бўлимининг ҳисобчилари таҳририятга келган минглаб хатларни қопларга солиб чиқарди”, – деб ёдга олади шиора. Бу даврда, айниқса болалар “Мутлақо махфий мактублар”, “Антиқа минтақа”, “Шатранж” клуби, “45 минутлик мўъжиза”, “Менинг қишлоғим”, “Менинг биринчи китобчам”, ““Гулхан”жонга хат келди” каби рукнларга кўпроқ мактублар йўллашган.

“Gulxan” болалар нашри бўлишига қарамай, экология муаммолари, мактабларда ўша йилларда камайиб кетган ўзбек тили дарслари муаммосини, тарихий мавзуларни журнал саҳифаларида кенг ёритган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида эски ўзбек тили имлосидан сабоқларни ўз саҳифаларида бериб борган. Бундай дадиллик, фаоллик учун таҳририят ходимларига мухлисларнинг фикр, истаклари куч берган. Кичкинагина, лекин куч-ғайратга тўлиб тошган фидойи жамоанинг катта меҳнатлари эвазига журнал катта муваффақиятларга эришди.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон журнални 2002-2006 йилларда бош муҳаррир сифатида бошқарди. “Болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак...” юртбошимизнинг бу йўлланмалари болалар истиқболида порловчи маёқ эди.⁶⁰

Журналга турли йилларда бош муҳаррирлик қилган раҳбарларнинг фаолиятида битта умумий жиҳат кўзга ташланади. У ҳам бўлса, болалар дунёсига ошино бўлиш, уларнинг дунёси билан ҳисоблашиш ва болаларга мос

⁶⁰ “Гулхан” журнаli 2009 й, 10 - сон.

мавзуларни топа билишдир. Аҳамиятли томони шундаки, бу раҳбарларнинг ҳар бири журнал фаолиятини ўзларининг ижодида алоҳида ўрин эгаллаганини эътироф этишларидир. Демак, ушбу болалар нашри ижодкорларга ёшлар қуввати, болалар беғуборлигини ҳам ҳадя этган.

Бугунги кунда журналга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев бош муҳаррирлик қилади. Журналнинг деярли ҳар бир сониди “Муҳаррир минбари” рукнида мақолалар бериб борилади. Ушбу рукн бола учун қийин, аммо тушуниши лозим бўлган мавзуларни бола тилида содда ва раван қилиб очиб беради. “Ўзгараётган, Ўзбекистон”, “Китоб меҳри”, “Кичик боланинг катта дунёси”, “Касб танлаш осонми?”, “Муסיқа ва тарбия”, “Баркамол авлод илдизлари”, “Тарбияда катталарнинг ўрни”, “Сумканг қани, ўқувчи” каби сарлавҳалар орқали тарбиявий аҳамиятга молик бўлган мақолалар бош муҳаррир А.Жўраев томонидан ёзилган.

Бир қараганда болалар учун ёзиш осондек туюлиши мумкин, бироқ бола тилида ёзиш, ижод қилиш жуда қийин жараён. Болалар учун ёзилган ҳар бир матн бола руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ифодаланиши керак. Тадқиқот олиб бориш давомида жуда кўплаб болалар ижодкорлари билан танишдик. Улар билан суҳбатлашганда, неча ёшда бўлишидан қатъий назар болалар ижодкори қалбининг бир четида болаларча беғуборлик, қувноқлик, кези келганда қайсарлик сифатлари учрашига гувоҳ бўлдик.

“– Матбуот ҳеч қачон тараққиётдан, юксалишдан ортда қолмаслиги керак. Бугуннинг боласи ҳар куни бир янгиликка дуч келади. Телевизордан ташқари компьютер, уяли телефон каби техник воситаларни катталардек яхши билади. Ўғил ва қизларимизни матбуот оламига муҳаббатини кучайтириш ҳам муҳим вазифа. Матбуот ўша техник воситалардан кўра қизиқарли бўлса, болаларнинг орзу – истакларига ҳамоҳанг келсагина, уларнинг эҳтиёжларини қондириш мумкин.”⁶¹

⁶¹ Юнусов.М. Бугуннинг гапи // “Ўзбекистон матбуоти” 2009 й, 5-сон.

Нашрнинг тиргаги – бу бош муҳаррир ҳисобланади. У нашр учун бош муҳаррирда энг аввало бошқарувчилик қобилияти яхши ривожланган бўлиши керак. У таҳририятдаги барча ташкилий ва ижодий ишларни бошқариб туради. Юқоридаги собиқ бош муҳаррирлар фикридан айнан шу каби фазилатларнинг мужассам этганлигига амин бўлдик.

Муҳаррир бошқарувчилик билан бир вақтда кузатувчи ҳамдир. У қўл остида ишлаётган ҳар бир ходимнинг ижодий имкониятларини, ҳаттоки шахсий ҳаётини ҳам яхши билиши ва бохабар бўлиб туриши керак. Топшириқ ҳам шунга яраша берилади, шунда иш самарали бўлади. Бу ҳақда узоқ йиллар бош муҳаррир лавозимида ишлаган А.Мелибоев, “баъзан жиддий топшириқ олдида иккиланиб қолган ходимни бу иш унинг қўлидан келишига ишонтириш ҳам яхши натижа беради”.⁶² - деган фикрни илгари суради. Бу ҳам публицистнинг муҳаррирлик давридаги синовдан ўтган услуби бўлса, ажабмас.

“Gulxan”, “G’uncha” журнали ва “Tong yulduzi” газетанинг эндиликдаги бош муҳаррирлари ўз ишини қандай ташкил қилишлари долзарб масала. Шу боис, уларнинг иш услублари билан яқиндан танишиш мақсадга мувофиқ назаримизда.

Ашурали ЖЎРАЕВнинг фикрича, бош муҳаррир бу дарахтнинг илдизига ўхшайди. У ҳамма нарсадан хабардор бўлиб туриши керак. Атрофида нима ва қандай воқеа содир бўляпти, муҳит қандай, ўзи раҳбарлик қилаётган нашрда қайси соҳани қолиб кетаётгани каби жиҳатларни кузатиб бориши керак. Умуман олганда, у ҳам бошқарувчи ҳам кузатувчидир. А.Жўраев бош муҳаррирларни икки тоифага бўлади.

“Биринчи тоифадагилар, иш бошлашни маҳсулот яратишдан, ходимларни “бор”, “йўқ” қилишдан бошлайди. Биринчи нашриданок “зўр” бўлишга интилади.

⁶² Мелибоев. А. “Қирқ бешинчи бекаг” кундалик-эссе. - Т.; А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2008 й.

Иккинчи тоифа вакиллари, аввало муҳитни ўрганади. Ходимларнинг ишга ва

бир-бирига бўлган муносабатини, уларнинг қобилиятларини аниқлайди. Шунга яраша маҳсулот чиқаришга ҳаракат қилади.

Бош муҳаррирнинг бир қулоғи ўзи нашр қилаётган нашрда бўлса, яна бир қулоғи ижодий муҳитдан хабардор бўлиб туриши керак”.

Шунингдек, у таҳририятдаги ижодий муҳит, ижодий жараён ва ижодий маҳорат сингари тушунчаларга жиддий эътибор қаратади. Ана шу уч омил нашрнинг муваффақиятинини таъминлашини эътироф этади. Жумладан, у шундай дейди:

“Мен ижодий муҳит бу нашр учун озуқа, деган бўлар эдим. Ҳар бир нашрда ижодий муҳит мавжуд. Фақат у қандай шаклланганига боғлиқ. Ўзимнинг тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, мен ишни хатларни ўқишдан бошлаганман. Болалар нашрларида хатлар катта аҳамият касб этади. Таҳририятга келган хатлар билан танишиш жараёнида мен ижодий муҳитга кирганман ва у орқали нашр қай аҳволда эканлигини билганман. Биласизми, хатлар ичида оригинал расм, шеър, ҳикоя чиқиб қолади. Уни чоп этсангиз ҳузур қиласиз. “Ижодий маҳорат” - бу матбуотнинг кислороди ҳисобланади. Ижодий жараён эса келган хатларни ва турли мақолаларни нашрга тайёрлаш вақтида юзага келади”.⁶³

Ашурали Жўраев таҳририятда ижодий муҳитни яратиш, аввало ходимлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйишдан бошлаган. Вазифаларни ходимларнинг иқтидор ва ишчанлигига қараб тақсимлайди. Шунга қараб баҳолайди. Иш учун шу муҳим. Шахс сифатида ҳар бир ходимнинг ҳуқуқ-атвори ва феълига эътибор қаратади. Шунга қарамай Ашурали Жўраев раҳбар сифатида кўпроқ болалар нашрларида ёшларнинг билан ишлаш тарафдори. Бунга биринчи сабаб қилиб, улар болалик давридан эндигина чиққан, ўша

⁶³ Отакулова Э. Болалар журналистикаси ижодий жараёндаги ўзига хослик. // ”Жамият”, 2012 й, 1-июнь.

даврдаги шўхликлари-у, ташвишларини ҳали унутмаган бўлишини кўрсатса, иккинчи сабабни эса, уларда янги ғоялар кўп бўлишида кўради. Шу билан бирга, таҳририятдаги ёшларга нисбатан кучли талаб қўяди.

Ҳозирда дунёдаги етакчи болалар нашрларидан қолишмайдиган “Tong yulduzi” нинг бугунги рангли қиёфаси кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Болалар газетасининг энг етакчи наشري ҳисобланган “Tong yulduzi” газетаси ҳам бир қанча ижодкорларни “ўз бағрида” улғайтирган. Хотам Қирғизбоев, Ҳидоят Ҳасанова, Йўлдош Шамшаров, Умар Хўжаев, Санжар Тилла, Рамз Бобожон, Ғани Жаҳонгиров, Сухроб Йўлдошев, Жаббор Раззоқов, Абдурахим Абдуллаев, Абдусайд Кўчимов, Акром Бердимуродов, Умида Абдуазимова ва Тўлқин Ҳайитов сингари таниқли адиблар муҳаррирлик қилган бу болалар газетаси бугунги кунда мамлакатимиздаги илғор ОАВ наشري ҳисобланади. Биз тадқиқотимизда 2000-2012 йиллар давомида чоп эттилган болалар нашраларини таҳлилга тортган бўлсакда, “Гулхан”, “Ғунча” журналларининг илк сонларидан тортиб, бугунги кундаги фаолиятигача ўрганиб чиқдик. Бироқ “Тонг юлдузи” газетасининг таҳламларини тополмаганлигимиз сабабли, собиқ бош муҳаррирларнинг иш услублари билан ҳам таниша олмадик. Бироқ буни келгусидаги илмий ишларимизда албатта ўрганиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоқов шу газетада 1984-1985 йилларда бош муҳаррирлик қилган. Бугун ҳам ўз фаолиятини давом эттириб келаётган Ж.Раззоқов “Tong yulduzi” газетасида икки йил муҳаррирлик қилган. У ўз фаолиятида болалар газетасининг асосий мақсади саналган дўстлик, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда, она табиатга меҳр – муҳаббат уйғотишда, мурғак истеъдодларни рўёбга чиқариш каби вазифаларни амалга ошириш борасида мазмундор ва тарбиявий аҳамиятга молик бўлган саҳифа ва рукнлар ташкил этган.⁶⁴

⁶⁴ “Гулхан” журнали 2009 й, 10-сон.

Газета раҳбарияти шундай йўл тутиши керакки, жамоа аъзолари ижодий фаолият бўйича ҳам, бошқа ташкилий масалалар юзасидан ҳам бош муҳаррирга ёхуд унинг ўринбосарларига ўз фикр-мулоҳазаларини бемалол айта олсинлар.⁶⁵ “Tong yulduzi” газетасининг амалдаги бош муҳаррири Феруза Жалилова шу “қоида”ни таҳририяти муҳитида шакллантириб келмоқда. Ўттиз икки йил болалар нашрида фаолият кўрсатаётган Ф.Жалилова “таҳририятнинг қора дарахти”, яъни ушбу лавозимга таҳририятнинг ичидан тайинланган раҳбар. У дастлаб фаолиятини хатлар бўлими ходими сифатида бошлаган. Кейин мухбир, катта мухбир вазифаларда ишлаган. 2000 йилдан бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаб келган. 2012 йилдан бош муҳаррир лавозимида фаолият юритаяпти. Феруза Жалилова, таҳририятдаги муҳитни, шунингдек ижодий муҳитни бош муҳаррир жамоа билан биргаликда яратади деб ҳисоблайди. Бир таҳририятда узоқ йиллар ишлаганлиги сабабли, бош муҳаррир сифатида ижодий муҳитни яратишда унчалик қийинчиликларга дуч келмаган. Буни Ф.Жалилованинг ўзи шундай изоҳлайди: “Ўша – ўша ижодий жамоа. Мен кўниккан, билган гуруҳда иш бошлашим газета учун ҳам яхши натижа. Сабаби, энди иш бошлаган бош муҳаррир сифатида ижодий жамоа муҳитини, уларнинг қайси соҳага қобилияти борлигидан хабардорман. Бош муҳаррирнинг биринчи вазифаси ўз ходимларини “яхши” таниши ва билишидир. Жамоа бош муҳаррир билан бемалол суҳбат кура олиш имкониятини яратиш керак. Чунки, жамоада ижодкорлар ишлайди. Уларни авайлаш керак. Болалар учун ёзадиган ижодкор “пачка-пачка” бўлиб йиғилиб тургани йўқ. Агар бош муҳаррир ва жамоа ўртасида “девор” бўлмасагина фикр алмашилади, кимни нима хоҳишда эканлиги билинади, ким қайси мавзунини ёзмақчилиги аниқланади ва мана шу эркинликнинг ўзи ижодий муҳитни яратиш беради. Айтмоқчи бўлганим, раҳбар билан жамоа орасидаги тўсиқ ижодий муҳитга катта таъсир қилади.

⁶⁵ Мелибоев. А. “Қирқ бешинчи бека” кундалик-эссе. – Т.; А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2008 й.

Иш жараёнида “рахбар + ходим” сифатида эмас, газетани нашр қилаётган бир жамоа сифатида жипслашиш керак. Босим ўтказиш ижодий муҳитга салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, имкониятни чегаралайди. Шунинг учун ҳам мен ходимларимга нисбатан доим ишхонада бўлишини талаб қилмайман. Хонада ўтириб болалар дунёсидаги воқеаларни, уларнинг муаммосини ёзиб чиқолмайди. Иложи борича, болалар ичида юриб, мактаб, боғчаларга бориб ёзиб келиш тарафдориман. Болаларга ёзиш катталарга ёзишдан кўра жуда қийин. Мен ходимларни кадрлайман”.

У бош муҳаррир сифатида ходимларга янги-янги ғоялар беришга ҳаракат қилади. Чунки, мухбир болалар дунёси ичида юриб баъзи муаммо ёки мавзуга кўз юмиб ўтиб кетиши мумкин. Бош муҳаррир газетани бошқариш билан бирга ўша қолиб кетаётган мавзуларни кўтариб чиқишга ҳам ундаб туриши керак. Ижодий муҳитда яратишда фақатгина бош муҳаррир масъул шахс ҳисобланмайди, балки жамоада ишлаётган ҳар бир ходим бу ишда масъулдир.

Болалар нашрлари орасида “кичкиной”и ҳисобланган “G’uncha” журналининг ҳам ўз ўрни бор. Журнал чоп этила бошлаган 1958 йилдан бери бир қанча ижодкорлар қўлида “тарбия” топди.

1. А.Ирисов- (1958- 1962 йй),
2. С.Юнусов – (1962 -1967 йй),
3. А.Бўрибоев – (1967-1971 йй),
4. Я.Саъдуллаева - (1971-1996 йй),
5. Э.Маликов (1997-1999 йй),
6. Ё.Раҳимова (1999-2006 йй),
7. У.Абдуазимова (2007-2008 йй).

Ҳозирда журнални Дилфуза Шомаликова бошқариб келмоқда. Журналда 25 йил давомида муҳаррирлик қилган Яйра Саъдуллаеванинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлаш зарур. Яйра Саъдуллаева ўзи раҳбарлик қилган даврлари

ва ҳозирги талабдан келиб чиқиб таҳририят бошқарувига шундай муносабат билдиради.

- “Раҳбар сифатида бош муҳаррирнинг таҳрири кучли бўлиши керак. Соҳасини билимдони бўлиши керак Нима учун ҳаммани бош муҳаррир қилавермайди? Сабаби, бу инсон янгилик ярата оладиган, ходимларига янги гап айта оладиган инсон бўлиши лозим. Айни дамда мамлакат жараёни, аҳволи, ҳолати ҳақида хабардор бўлиб туриши зарур. Ўзи раҳбарлик қилаётган нашр хусусиятидан келиб чиқиб, журналда нимани берса бўлади-ю, нимани йўқ, шуни яхши англаши ва ажрата олиши керак. Шу билан бирга ўзи бошқараётган жамоа муҳитини, “ҳаво” сини яхшилаши керак. Унда босиқлик, етти ўлчаб бир кесиш хусусияти кучли бўлиши, шарт деб ўйлайман”. Дарҳақиқат, таҳририятда турли хил хил мақсаддаги, турли хил кайфиятдаги одамлар ишлайди. Ўшаларни ҳаммасини бир мақсад сари бош муҳаррир етаклайди. Шунингдек, жамоа ичида муҳаррирнинг ўз ўрни аниқ барқарор позицияси бўлиши лозим, бизнингча. Бошқарувчи шахс сифатида ўз ходимларининг аҳволидан хабардор бўлиши, ходимлар муҳаррирнинг ўзларини суянч эканлигини ҳис қилсин. Чунки, қўл остида ишлаётган ходим бўлмаса, раҳбар ҳам бўлмайди. Шунинг учун уларни авайлаб, инсоний фазилатларнинг энг улуғи юксак ахлоқ билан тушуна олиши керак.

Дилфуза Шомаликова, “G’uncha” журналда бош муҳаррир сифатида иш бошлаганига уч йил бўлди. Таҳририятдаги ижодий муҳит журнални яхши чиқишида асосий омиллардан бири эканлигини Д.Шомаликова яхши ҳис қилади. Кадрларни тўғри танлаш ва жой – жойига қўйишга алоҳида эътибор қаратади. Донишмандлардан бирининг “кадрлар бу ҳамма нарса”, деган фикрига амал қилади. Ҳар бир ходимни ўз иқтидорига яраша тақсимлайди. Бу эса ҳар бир ходим фаолиятини кузатишни тақозо этади. Шу тариқа болалар нашрларида ишлаётган ижодкор ўз ёзганларини шу журнал тематикасига мослаштириб боради. Таҳририятга жуда кўп хатлар келади. Бош муҳаррир сифатида улар билан танишиб чиқади, журналнинг олдинги сонларини

кузатади. Дилфуза Шомаликова раҳбар сифатида ижодий муҳитни яратишда бош муҳаррир билан бирга ходимлар ҳам тенг ҳуқуқли деб ҳисоблайди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: “Мен ходимларни биринчи даражада масъулиятни ҳис қилишига қараб ишга тақсимлайман. Ходимларни ишга келиб кетганига ва ишга бўлган ёндашувига қараб баҳолайман. Таҳририятда ижодкорлар бор экан, ижодий муҳит ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлади. Фақат раҳбар одам уларни йўналтириб туриши керак”.⁶⁶

Бош муҳаррирлар ходимларига ҳар томонлама ўрнатилган бўлиши керак. Муҳаррирлар билан қилинган суҳбат жараёнида шунини гувоҳи бўлдики, уларнинг қалби ва дунёси нафақат болалар нашрини яратиш билан шу билан бирга, уларнинг олами, қизиқишлари, қувонч-у ташвишлари билан банд. Кузатган болалар нашрларимиз таҳририятларида иш жараёни қизгин. Ҳар куни журнал ва газетага ўз ижодини чиқариш илинжида бир қанча истеъдодли ёшлар келади. Журнал ва газеталар бу каби ижодкорларни қучоқ очиб кутиб олади. Болалар нашрларини ўқилишли ва оммабоп бўлишига нафақат уни бошқарувчи бош муҳаррир ёки ижодий ходимлар балки ижод дунёсига эндигина қадам қўйган ёш авлоднинг ўрни юқори. Зеро, ёш авлод маънавий камолотини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири – бу болалар нашрларидир.

⁶⁶ Отақулова Э. Болалар журналистикаси ижодий жараёндаги ўзига хослик. // “Жамият”, 2012 й, 1-июнь.

2.2. Болалар нашрларида муаллифлар билан ишлашнинг ўзига хослиги

*Муаллиф билан ишлаш – муҳаррирнинг муҳим
вазифаларидан бири ҳисобланади.*

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Болалар нашрлари таҳририятларида иш куни таҳририятга келган хатларни саралаш билан бошланади. Уларнинг ҳар бирига жавоб хатлари йўлланади. Бу катта меҳнат талаб қиладиган жараён. Бу жараёнга нафақат хатлар бўлими, балки таҳририятда ишлаётган барча ходимлар жалб қилинади. Бу ҳақда “G’uncha” болалар журнали бош муҳаррири Дилфуза Шомаликова “Жажжи журналхонлар салом йўллаган номаларнинг дил изҳорлари ғойибона суҳбатга айланиб кетади. Унда ҳаёт аталмиш дунёнинг кенгликларига энди қадам қўйган ўғил-қизларимизнинг адоқсиз орзу-ўйлари, умидлари, режалари, ижод намуналари – шеър ва ҳикоялар, расмлар ҳамда уларнинг қалб тугёни муҳрланган мактублар ҳарорати юракларга кўчади. Ҳар бир ходимнинг ҳаяжони ўзгача. “Йилт” этган истеъдод учқунларининг журналнинг навбатдаги сонига режалаштирилади. Ҳар бир хат муаллифига ёзилган жавобда ўқувчининг қадрдонига айланиб кетган “G’uncha” унинг қалбига кириб боришга ҳаракат қилади.”⁶⁷

Болалар нашрларда фақатгина таҳририятда ишлаётган журналистлардан ташқари четдан муаллифларни жалб қилиш ҳам муҳим ҳисобланади. Таҳририятда фаолият юритаётган ҳар бир ходим журнал ёки газета муаллифлик мақолалардан ташқари мақола ҳам ташкиллаштириб беради. Муаллифларни нашрга жалб қилиш, улар билан доимий алоқани йўлга қўйиш газета ёки журналнинг давр билан, ўқувчилар билан ҳамнафаслигини таъминлайди. Бош муҳаррир ходимларининг доимий ёки жалб қилган

⁶⁷ Шомаликова Д. Гулғунчалар журнали // “Ўзбекистон матбуоти”. 2012 й, 1-2-сон, 34-бет.

муаллифлари ҳақида хабардор бўлиб туриши керак. Шунга қараб бирор - бир мавзу юзасидан муҳаррир топшириқни ким бажара олишини олдиндан билади. Табиийки, муаллифларнинг кўпайиши маълум маънода нашр ўқувчиларининг кўпайишига ҳам хизмат қилади.

Айниқса, бозор шароитида бу масала ниҳоятда долзарб, ҳаётий мураккаб ва айнаи дамда оғир вазиятлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Сабаби, ҳаммага ёқадиган яхши бир мавзунини топиб ёзишнинг ўзи қийин, шундай мавзуларни ёзадиган муаллифни топиш эса унданда қийин. Шу боис, таҳририят ходими учун муаллиф билан ишлаш асосий фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. “журналимиз бой тарихга эга, унинг адади ҳам катта, - дейди “Gulxan” журнали бош муҳаррири А.Жўраев. – Албатта, бизнинг доимий муаллифларимиз ҳар доим бор, ҳозирда уларнинг қаторида М.Аҳад, М.Абдуқодирова, С.Ҳотамов, О.Карамиддинова, А.Обиджон, Қ.Ота, З.Ҳасанова ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Четдан қараганда болалар учун ёзиш осондек туюлиши мумкин бўлгани билан, катталар нашрларига қараганда айнан болаларбоп қилиб ёзиш анча мураккаб. Нимаки ўйласа болаларча ўйлаши, нимаки ёзса болаларча ёзиши талаб қилинади. Боладай содда, беғубор энг муҳими қалами ҳалол бўлиши керак. Болаларни алдамаслик ва алданишларига йўл қўймаслик зарур! Энг муҳими ишда ҳам, фаолиятида ҳам ҳалоллик устувор бўлиши керак”.

Таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоев муҳаррир қилган даврларида – ҳар қандай “бемаза” одамнинг ҳам унча-мунча “мазали” томонлари бўлгани каби, ҳар қандай бўлмағур мақоладан ҳам яроқли жойларини топса бўлади.⁶⁸,- деган хулосага келган.

Бу фикр “G’uncha” болалар журнаliga айниқса мос. Яъни энг тўпалончи болада ҳам бир иқтидор бор. Фақат уни юзага чиқаришга катталар имкон беришлари лозим. Кичик болаларга ҳеч қачон кичик деб қарамаслик, уларга

⁶⁸ Мелибоев. А. Қирқ бешинчи бекат. кундалик-эссе. – Т.; А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2008 й.

муомила қилишга ҳам эҳтиёткорона ёндашиш зарурлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. Аммо ҳар қандай болани ҳам яхши гап билан хоҳлаган йўлга етакласак бўлади. Мисол учун, “Гулхан” журнали таҳририятда боланинг тушуниб бўлмайдиган хатини ҳам ўқишга ҳаракат қилинади. Бундай хатдан ҳеч бўлмаганда нашрга чиқиш жараёнида ё бир жумла, ё биргина сўз сақланиб қолинади. Агар тугал, ўринли фикр бўлса, ҳар доим сақлаб қолинади. Сабаби, бош муҳаррир ходимлардан хатлар билан ишлашни муаллифлар билан ишлаш деб тушунишни талаб этади. Бу ҳақда Д.Шомаликова шундай дейди: “Чунки, бизни муаллифларимиз бу – болалар. Биз учун муҳими ўқувчи ўша фикрини ёза олгани. Кўча куйда, журналнинг ҳар бир сони, ҳар доим кўз олдимда туради. Кўчадами, транспортдами, уйдаи қаерда бўлмасин уни қизиқарли қилиш учун кимларни жалб қилиш кераклиги ҳақида ўйланиб юраман. Мисол учун, ёзувчи Тохир Маликни шахсан жалб қиламиз, уларни ёзганлари болалар учун жуда кўп нарса бериши мумкин. Яна бир муаллифимиз Салим Ашуровнинг “Баҳор пойгаси” номли шеърини яқиндагина нашр қилдик. Биласизми, бу шеър айнан болалар учун, мазза қилиб ёд олиб ҳирғоя қилиб юрадиган шеър. Ёки Ҳалима Аҳмедова замонавий эртак ёзиб беришни илтимос қилгандик. Улар бизга “Компьютер ўйчиси” деган эртак ёзиб берибдилар. Бу эртак айнан ҳозир болаларнинг компьютер ўйинларига муккасидан берилиб кетганлик муаммоси, ота-онасидан тушлик учун олган пулини компьютер хоналарига сарфлаётган болалар тақдири сингари муаммоларга бағишланган, содда ва энг муҳими бола тушунадиган тилда, ўзи учун нимадир “янгилик” оладиган услубда ифолаган. Биз таҳририятда ўтириб муаллифларимизнинг бу каби ижод маҳсулоталарини нашр қилсак кўнглимиз кўтарилади. Сабаби, болалар тарбиясига ҳамма бирдек масъулдир”. Муҳаррирнинг столи устида ёки хаёлида ҳамиша бир-иккита тайёр “хомашё” материал туриш кераклигини.⁶⁹

⁶⁹ Ўша манба.

“Tong yulduzi” газетаси бош муҳаррири Феруза Жалилова ҳам алоҳида таъкидлади.

Ҳар бир нашр чоп этилиб чиқишидан олдин таҳририят ўз режаларидан келиб чиқиб, муаллифлар билан бўлажак мақолалар устида маслаҳатлашадилар. Энг оғир вазиятда ҳам газета жамоасини фақат бош муҳаррир олиб чиқиб кетиши мумкин. Шу сабабли, доим унинг столи устида муаллифларнинг тайёр материаллари заҳира учун туради. Шуниси диққатга сазоворки, “Тонг юлдузи” газетасининг катта ёшдаги дўстлари кўп. Ҳаттоки, баъзилари нимага мени ижодимдан бермаяпсизлар, деб хафа бўлиб таҳририятга кўнғироқ қилар экан. Лекин таҳририят жамоаси имкон борича навбатма - навбат уларни ижодларидан намуналар бериб боришга ҳаракат қилади.

Газетанинг яна бир муаллиф гуруҳи бу хатлар ортида турган шахслардир. Хатларни ҳеч қачон беэътибор қолдирмайди. Агар уни газетага нашр қилмоқчи бўлса, жавоб хатлари ёзилмайди. Агарда нашр талабига жавоб бермаса, уй, мактаб манзилларига албатта жавоб хатлари йўллайдилар. Чунки, боланинг кўнглини қолдирмасликка таҳририят жиддий эътибор қаратади.

Бугун техника ривожланган бир даврда газета ўқийдиган биргина болага ҳам ҳурмат билан қарашади. Мисол бир боланинг ижоди газетага чиқдими, уни дўстлари, синфдошлари кўради. Бола психологиясида “Мен ҳам қилоламан” деган тушунча пайдо бўлади. Кейин у ҳам газетага қизиқа бошлайди. Хат йўллайди. Шу сабаб, биргина муаллиф ортидан бошқа муаллифларни ҳам жалб қилиш мумкин.

Навбатдаги муаллифлар бу таҳририят қошида ташкил қилинган “Ёш мухбирлар” тўғарак аъзолари ҳисобланадилар. Улар билан доимий машғулотлар ўтказиб борилади. Ушбу тўғаракка асосан лицей ва коллеж талабалари кўпроқ келишади. Кўпинча нимани ёзиб келай, қайси мавзунини ёзсам газетага чиқади, деб сўрашади. Уларга алоҳида мавзулар берамиз, ёзиб

келган мақолаларини иложи борича нашр қиламиз. Бу ҳам муаллифлар билан ишлашнинг бир усули деб ўйлайман.

Д.Шомаликованинг таъкидлашича, муаллифлар билан ишлашнинг яна бир тури бу – турли хил танловлар ташкил қилиш орқали амалга ошади. Бу ҳам яхши натижа беради. Турли хил тадбирлар, танловлар болаларнинг очилмаган қирраларини очишга, ижодга ундайди. Албатта, ҳар бир бола ғолиб бўлишни истайди. Ва бир-биридан ўтиш учун кўпроқ мактублар йўллайди. Ҳатто таҳририятга *“илтимос менга биринчи ўринни беринг, ота-онамни ҳурсанд қилай”* мазмунидаги хатлар ҳам келади.

Ҳар бир нашр пайдо бўлиши олдида кимга ва нима мақсадда йўналтирилганлигидан ташқари муаллифлар жалб қилиш борасида ҳам бош қотириш керак. Болалар нашрларида фаолият юритаётган ходимлар айнан таҳририятнинг ўзида шаклланади. Айнан шу жиҳат таҳририятнинг оғриқли нуқтаси. Сабаби, бола тилида ёзиш, ижод қилиш жуда қийин жараён. Муаллиф болалар руҳиятидан келиб чиқиб ёза оладиган, уларнинг нима хоҳлаётганини, нима қизиқтираётганини ҳис қилиши керак. Яна шуниси ҳам борки, муаллиф ёзаётган асарида боланинг қалби, дунёси, ҳис – туёғуларини нечоғлиқ англаши сезилиб туради.

- Болалар матбуотида маҳорат жуда юксалиб кетди, десам муболаға қилган бўламан. Лекин болалар журналистикаси ҳар томонлама жадал ўсиб бораётгани, маҳорат ҳам секин-аста ошаётгани ва жиддий изланишлар олиб борилаётганини эътироф этиш жоиз. Бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Болалар ёзувчиси бора-бора боланинг ўзига ўхшаб қолади. Болалар дунёсида ҳар бир боланинг ўзи бир олам. Улар дунёсидан ўзимни –ўзим топдим".⁷⁰

Болалар журналистикаси болалар қалбини, дунёқарашини таҳлил эта бошлагани келгусида бу соҳада жиддий ижобий ўзгаришлар юз беришидан дарак бермоқда. Маҳорат ўз-ўзидан ошиб қолмайди, албатта. Бу тинимсиз

⁷⁰ Умирова А. Газетхонни нима қизиқтиради // “Хуррият”, 2009 й, 12-август.

меҳнат ва изланишларни талаб қилади. Устозлар мактабини пухта ўрганиш зарур бўлади.

Бироқ хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, болалар ижодкорида маҳорат билан бирга болаларга нисбатан ўта яқинлик, оналарга хос бўлган меҳр бўлиши керак. Ўзини ўраб турган муҳитни, ташқи дунёни болаларча кўра олиш жуда муҳим. Болалар журналисти катталар матбуотида айтиладиган саҳифа – саҳифа гапларни ярим ёки бирор қоғозда ифодалашга мажбур. Мана шунда маҳорат дунёга келади.

3-БОБ. БОЛАЛАР НАШРЛАРИДА ЖАНР МАСАЛАСИ

3.1. Болалар журналларида журналистик жанрларнинг аҳамияти

*Халқ эркин мулоқот қиладиган
нашр - энг яхши газетадир.*

Артур Миллер

Бугунги кунда компьютер технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Агар ўтган асринг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг сеvimли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, эндиликда уларнинг қаторига компьютер ва интернет қизиқишлари ҳам қўшилди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва сеvimли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда интернет билан шуғулланишни биринчи ўринда тилга олади.⁷¹ Матбуот, айниқса, болалар ва ўсмирлар нашрлари бошловчи ҳаваскор қаламкашлар ижодига, ёзган журналистик материалларига катта эътибор бермоқда. Газета - журналларнинг ҳар сониди ўнлаб ёш қаламкашларнинг ёзган мақолалари, шеър, ҳикоялари мунтазам чоп этилмоқда. Шундай бўлса-да, бу машқлар ҳали, ўқувчилар қалбидан жой олмаяпти, устоз шоир ва ёзувчиларнинг эътиборини талаб даражасида қозонмаяпти. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Улардан энг муҳимлари ёшларнинг кўпчилиги асар техникасини билмаган

⁷¹ Жабборов.Ш. Тиконзордан гул излаб // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2009, 11-ноябрь.

ҳолда, шеърнинг нима эканлигини, ёзишдан мақсад нима эканлигини дилдан англаб етмай, устозларидан адабий сабоқлар олмай қоғоз қоралашларидир.⁷²

Бу жараёнларга изох берган адиб ва журналист Тўлқин Ҳайитов шундай дейди: Биз болалар нашри орқали болалар дунёсини “бошқарамиз”. Лекин бошқарганда ҳам улар дунёсига хиёнат қилмаслик керак”. Дарҳақиқат, болалар нашрлари болаларни ёзишга ундайди. Улар қалбидан нима ўтса, шунини қоғозга туширишга ҳаракат қилишади, қоғоз қоралайди. Болалар нашрлари шу каби ижодкорларга тўғри йўлни кўрсатиши керак. Бу албатта улар бераётган турли жанрлардаги мақолалар орқали ифодаланади. Шу ўринда болалар нашрларида қандай материаллар етакчилик қилади? Газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинадиган журналистик асарларга қўйиладиган ўзига хос мезонлар бор-ми? Бу каби саволларга жавоб топиш болалар нашрларининг мазмун – моҳияти мавзулар кўлами, тил, услуб, маҳорат масалаларини ойдинлаштиришга хизмат қилади. шу талаблар нуқтаи назаридан болалар нашрларини таҳлил қилганимизда, уларда катталар матбуотида бўлгани каби ахборий, таҳлилий ва бадий-публицистик жанрлар доирасида турли журналистик материаллар бериб борилади.

1. Ахборий (информацион) жанр. Унга хабар, репортаж, ҳисобот, суҳбат ва интервьюлар киритилади.
2. Таҳлилий (аналитик) жанр. Унга мақола, тақриз, хат, кузатиш кабилар киритилади.
3. Бадий – публицистик жанр тоифасига эса эссе, очерк, фельетонлар киради.

Хабар (лавҳа) – бу кичик ахборот. Кўпинча жойларда бўлган учрашувлар, тadbирдан ёки болаларнинг ижодлари ҳақида кичик тарзда

⁷² Абдурахмон.А. Болаларга ёзаяпмиз.Аммо қандай ёзаяпмиз? // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2009,

2-июль.

берилган хабардир. Мисол учун, “Дунёга танитди”⁷³, “Спортчи банкирлар”⁷⁴, “Баҳор тароватига ошно шеърият”⁷⁵, “Бастакор киз”⁷⁶, “Чемпионнинг ватани”⁷⁷, “Машҳур спортчи бўлмоқчиман”⁷⁸, “Ёмғир ёғалоқ”, “Қувончли хабар”⁷⁹ каби хабарларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ахборот жанрлар сирасига кирувчи **суҳбат** жанри ҳам болалар нашрларида кўп учрайди. Шунингдек, унда ёш бўлишига қарамасдан муайян муваффақиятларга эришган болалар билан ҳам турли мавзуларда суҳбатлар уюштирилади. У орқали ижтимоий долзарб мавзулар бўйича мутахассисларнинг фикри тингланади ва бу болалар дунёқарашининг шаклланиши, ўсишида алоҳида омил саналади. Суҳбатлар ўқувчи-ўсмирларга муайян соҳа, ҳодиса тўғрисида аниқ кўрсатма беради.⁸⁰ “Спорт саломатлик гарови”⁸¹, “Набирам билан суҳбат”⁸², “Тупроғинг кўзларга тўтиё”⁸³ каби суҳбатлар аниқ ва теран бўлиб, тарбиявий мақсадга қаратилган. Шу билан бирга, хабар етказиш мақсадида диолог шаклидаги тўқима суҳбатлардан ҳам фойдаланилади. Мисол учун, “Ўзингни синаб кўр”⁸⁴ суҳбатида “Янги авлод” болалар ижодиёт фестивали ҳақида хабарни муаллиф она ва боланинг

⁷³ Санақулова З. Дунёга танитди // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон, 26-бет.

⁷⁴ Раҳматуллаева Ф. Спортчи банкирлар // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон, 26-бет.

⁷⁵ “Гулхан” журнали жамоаси 2012 й, 5-сон, 8-бет.

⁷⁶ Ўрмонова Ю. Бастакор киз // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон, 21-бет.

⁷⁷ Жўраев А. Чемпионнинг ватани // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон, 14-бет.

⁷⁸ Хуршидабону. Машҳур спортчи бўлмоқчиман // “Билимдон”, 2012 й, 2-сон, 6-бет.

⁷⁹ Юнусова Г. Ёмғир ёғалоқ, Қувончли хабар // “Доно ворд”, 2012 й, 3-сон, 4-16-бет.

⁸⁰ Жамилова Б. “Ўзбек болалар публицистикаси”. Т.: Фан, 2006 й, 33-бет.

⁸¹ Умарова И. Спорт саломатлик гарови // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон, 8-бет.

⁸² Раззоқов Ж. Набирам билан суҳбат // “Ғунча”, 2008 й, 1-сон, 2-бет.

⁸³ Саъдулло. Тупроғинг кўзларга тўтиё // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон, 28-бет.

⁸⁴ Тешабоева Ю. Ўзингни синаб кўр // Ғунча, 2010 й, 2-сон, 7-бет.

суҳбатини диолог шаклида берган. Бу болаларга тушунарли ва етиб бориши жиҳатидан анча самарали усулдир.

Репортаж – сўзи лотинчадан олинган бўлиб, етказиб бериш деган маънони билдиради. У воқеа, ҳодисаларни бевосита, жонли акс эттирувчи, тезкор ёритиб берувчи ахборий материалдир.⁸⁵ Болалар нашрлари учун репортаж ва унинг яна бир тури ҳисобланган фоторепортаж (ҳаётни суратлар воситасида ёритувчи бу жанр ўзига хосликни факт, воқеа, ҳодисаларни синчковлик билан топиб, акс эттиришни талаб этади⁸⁶) муҳим жанрлардан саналади. “Болалар матбуоти байрами”⁸⁷ (фоторепортаж), “Ёш шахматчилар беллашуви”⁸⁸ сингари фоторепортажлар фикримизга мисол бўла олади.

Оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланиладиган ахборий жанрлардан бири **интервьюдир**. Бу сўз инглизча бўлиб, “сўраб олиш, суриштириш” деган маънони билдиради. Мазкур жанр болалар матбуотида ҳам кенг учрашининг сабабаби шундаки ҳаётдаги ҳар бир факт, воқеа ва ҳодисанинг қандай бўлиб ўтганлиги, тафсилоти одатда шу фактдан хабардон бўлган, воқеа, ҳодисани кўрган – билган одамлардан сўраб –суриштириб билинади, кейингина бирор жанрдаги матбуот материалига асос бўлади. Бу жанр жамият ижтимоий – сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий – маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида қўлланилади. Болалар нашрларида ҳам бу жанрни кўп учратиш мумкин. Одатда бу каби нашрларда шоир, олим ёки ёзувчилар билан кичик ҳажмдаги интервьюлар берилади. Бу боланинг тез ўқиб англашига ва мулоҳа юритишига ёрдам беради.

Таҳлилий жанрлар туркумига кирувчи **мақола** – ўзбек болалар журналистикасида ҳам етакчи жанр ҳисобланади. Болалар

⁸⁵ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. - Т.: Тафаккур. 2011 й, 162-бет.

⁸⁶ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. - Т.: Тафаккур. 2011 й, 165-бет.

⁸⁷ “Гулхан” журнали, 2010 й, 10 -сон, 16-17-бет.

⁸⁸ Ортиқова Т. Ёш шахматчилар беллашуви // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон, 25-бет.

публицистикасидаги жанрий хусусиятлар умумпублицистикага ҳамоҳанг эсада, катталарнинг болалар учун ёзган публицистик мақолаларида воқелик бевосита болаларча тафаккурдан ўтказилади. Шунга кўра, мавжуд далил ва ҳужжатлар образлар воситасида, қизиқарли, жонли сўзлашув тилида ифодаланади.⁸⁹ “Ўзбекистон қаҳрамони”⁹⁰, “Онангизга совға танладингизми”⁹¹, “Сариқ девни миниб”⁹² кабилар.

Миср Араб Республикасида нашр этиладиган “Самир” журналида ҳам бу каби мақолаларни учратиш мумкин. Журналда қизлар учун алоҳида саҳифа мавжуд. Унда қиз бола руҳияти кечадиган ўзгаришлар, уларнинг муаммолари ва ўйлари ҳақида таҳлилий мақолалар берилган. Бу нашрда ҳам муммоли мақолаларни учратиш мумкин, бироқ ҳар қайси миллат болаларига ёзилган мақола ёки оддий хабарларида ҳам тарбия масаласи биринчи ўринга чиқарилган.

Болалар журналистикасида **хат жанри** алоҳида аҳамият касб этади.

Бадиий публицистик жанрлар туркумига кирувчи **хат жанри** - арабча сўздан олинган бўлиб, бирор одамдан иккинчи одамга ёзма шаклда йўлланган матн, маълум маълумотларни ўз ичга олган ёзувдир. Хат жанри одатда 3 турга бўлинади.

1. Муҳаррирга келган хатлар;
2. Очиқ хатлар;
3. Адабий-бадиий хатлар.⁹³

Болалар нашрларида хатларнинг адабий-бадиий турини кўпроқ учрайди. Чунки, мактубларда болаларнинг ижод намуналари ёритилади. Болалар турли

⁸⁹ Жамилова Б. “Ўзбек болалар публицистикаси”. Т.: Фан, 2006 й, 34-бет.

⁹⁰ Маликов Э. Ўзбекистон қаҳрамони // “Ғунча”, 1998 й, 1-сон.

⁹¹ Гўзал Бегим. Онангизга совға танладингизми // “Ғунча”, 2011 й, 3-сон, 3-бет.

⁹² Қодирова Х. Сариқ девни миниб // “Доно Ворд”, 2012 й, 1-сон, 5-бет.

⁹³ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. - Т.: Тафаккур. 2011 й, 202-бет.

мақсадда, ёрдам сўраб, саволларга жавоб беришни, ўз ижод намуналарини газетага чиқаришни истаб мактублар йўллайди. Хат жанри болалар матбуотининг асосини ташкил этади ва аксарият мақолалар хат шаклида ёзилади. Мисол учун, “Гулханжонга хат келди”, “Хатлар ва оммавий ишлар”, “Гулхан” конверт очганда”, “Нишона”⁹⁴, “Билимдонга бағишланади”, “Ёш ижодкор”⁹⁵, “Наша страничка”⁹⁶ каби рукнлар айнан мухлислардан келган хатлар асосида ташкил этилган.

Бадий - публицистик жанрлар туркумига кирувчи **очерк** жанри ҳам болалар нашрларида талайгина. Очерк – сўзи русча “чертить, очерчивать” сўзларидан олинган бўлиб, “қораламоқ, яхлит этиб кўрсатмоқ” деган маънони англатади.⁹⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғатида очерк – ҳаётий фактларни қисқача тасвиридан иборат кичикроқ бадий асар, - дейилади. Болалар нашрларида очерк турлари орасида портрет очеркни кўпроқ учратиш мумкин. “Шижоат орзулар маёғи”⁹⁸, “Жонкуяримиз”⁹⁹, “Нафисанинг ютуқлари”¹⁰⁰ каби очерклар ана шулар жумласига киради. Болалар нашрларда эсселар ҳам кўзга ташланади. Навбатдаги жанр эркин жанр бўлиб, унда ҳаёлотдан ўтаётган ҳар бир воқеа қандай бўлса, шундайлигича қоғозга тушади. Бу эссе жанридир. Эссе - сўзининг луғавий маъноси французча “тажриба” деган маънони билдиради. Эссе орқали инсоннинг ҳаётдан олган тажрибалар, фикр-мулоҳазалари акс эттирилади. Баъзи луғатларда эссега нисбатан эркин шаклдаги адабий жанр сифатида қаралган.¹⁰¹ “Гулхан” журналида нашр

⁹⁴ “Гулхан” журналининг 2009 йилда ташкил этилган саҳифаси.

⁹⁵ “Билимдон” журнали, 2012 й, 2-3-сон.

⁹⁶ “Знайка” журнали, 2012 й, 3-5-сон.

⁹⁷ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. - Т.: Тафаккур. 2011 й, 233-бет.

⁹⁸ Зайниддинова Г, Урманова Г. Шижоат орзулар маёғи // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон, 27-бет.

⁹⁹ Муҳаббат. Жонкуяримиз // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон, 7-бет.

¹⁰⁰ Эшмўминов Ф. Нафисанинг ютуқлари // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон, 18-бет.

¹⁰¹ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. - Т.: Тафаккур. 2011 й, 252-бет.

қилинган “Навқиронлик калити”¹⁰², “Янги яшил майдон”¹⁰³ каби эсселарни мисол қилиш мумкин.

Журналистик жанрлар қаторида болалар нашрларида кўпроқ адабий-бадий жанрлар учрайди. Ҳикоя жанри ана шундай кўп учрайдиган жанрлар сирасига киради. **Ҳикоя** – болалар нашрларида яна бир етакчи жанр ҳисобланади. Ҳикоя жанрининг тили ва услуби содда ва равон бўлганлиги боис у бола уни осон тушунади. Журналларнинг кўп ҳажмини турли ҳикоялар эгаллайди. Жумладан, “Арслонхон”¹⁰⁴ (тарихий ҳикоя), “Тўрткўзнинг ғаройиб қилиқлари”¹⁰⁵, “Таниш кабутарлар”¹⁰⁶, “Оппоқ қор”¹⁰⁷ каби шунга ўхшаш бир қанча ҳикоялар берилади.

Болалар нашрларида энг кўп учрайдиган жанрлардан бири бу ҳажвий лавҳа. **Ҳажвий лавҳа (комикс), (карикатура)** – каби кичик жанрни ҳам болалар нашрларида кўп учратиш мумкин. “Гунчаой, Тариквой ва Темиржонларнинг шоир, ёзувчи ва рассом амакиларига эркалиги”¹⁰⁸ (карикатура) каби ҳажвий лавҳалар ҳам берилади. “Детектив Людовик: бўм-бўш сейф ичидаги хат”¹⁰⁹ (комикс) кабиларни келтириш мумкин. Чет эл матбуотининг болалар нашрларида ҳам комиксларга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳатто, Буюк Британия матбуотида комиксларга нисбатан болалар матбуотининг дастлабки кўриниши сифатида қаралади.

Болалар журналистикасининг яна бир муҳим жиҳати, бу - суратларга алоҳида эътибор қаратилишидир. Буни бевосита расм публицистикаси деб

¹⁰² Маликов А. Навқиронлик калити // “Гулхан”, 4-сон, 30-бет.

¹⁰³ Файзуллаев А. Янги яшил майдон // “Гулхан”, 4-сон, 31-бет.

¹⁰⁴ Каримов Ғ. Арслонхон // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон, 26-бет.

¹⁰⁵ Ҳожиёва О. Тўрткўзнинг ғаройиб қилиқлари // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон, 9-бет.

¹⁰⁶ Шомаликова Д. Таниш кабутарлар // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон, 12-13-бетлар.

¹⁰⁷ Мухтор О. Оппоқ қор // “Доно Ворд”, 2012 й, 1-сон, 10-11-бетлар.

¹⁰⁸ “Гунча” журнали 1968 - 1978 йй, 1-сонлари.

¹⁰⁹ “Доно Ворд” журнали, 2012 й, 3-сон, 11-бет.

аташимиз мумкин. **Расм публицистикаси** - ижтимоий-сиёсий воқеаларни болакайларга шу тарзда, йўлини топиб тушунтира билиш уларнинг бу ҳақда тасаввур ҳосил қилишларида муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, танқидий мулоҳазаларни ҳажвий расм (карикатура), юмор ёрдамида баён этиш ҳам бу айниқса журналлар учун характерлидир. Бундан кўзланган мақсад, ҳали ёзиш ва ўқишни тўла билмайдиган болакайларнинг айрим ҳодисаларни расмлар тасвиридан бемалол тушуниб олишларига қулайлик яратишдан иборат. Расм - публицистикасининг яна бир афзаллик томони шундаки, унда ифодаланган воқелик, илгари сурилган айтилмоқчи гоё ва тафсилот болалар кўз ўнгиди яхлит ҳодиса сифатида намоён бўлади ҳамда уларни маълум тасаввурга эга қилади. У асосан, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган бўлиб, махсус саҳифаларда берилади. Шубҳасиз расм публицистикаси суратли эртаклардан фарқ қилади. Расм публицистикаси ҳаётий воқеликни аниқ маълумотлар ва ҳужжатли далиллар орқали ёритса, суратли эртаклар болаларнинг учқур ҳаёлот олами маҳсули бўлиб, ҳаёлий фантазиялар ёхуд эртак ва ҳикоялар асосида чизилади. Расм публицистикаси нисбатан кенг қамровлилиги, изчил тасаввур уйғотиши жиҳатидан карикатура ва расм – юморларидан фарқ қилади. Умуман, болалар публицистикасининг бунга ўхшаш ички кўриниш ва шакллари анчагина.¹¹⁰ Расм публицистикаси ва суратли эртакларни мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган “G’uncha” саҳифаларида кўп кузатиш мумкин. Бу журналда рассом ишига алоҳида эътибор билан қаралади. “Билимдон” журналидаги “Сехрли саргузаштлар сайёраси”, “Ёш рассом”¹¹¹, “Знайка” журналидаги “Знаете ли вы?”, “Художественная галерея”¹¹² каби рукнлардаги саҳифаларни хатлар асосида

¹¹⁰ Б. Жамилова. Ўзбек болалар публицистикаси - Т.; “Фан”. 2006, 29-б.

¹¹¹ “Билимдон” журнали, 2012 й, 3-сон, 10-16 - бетлар.

¹¹² “Знайка” журнали, 2012 й, 3-сон, 3-14-бетлар.

келган суратлар ҳамда журнал рассомлари томонидан чизилган расмлар ташкил этади.

Болалар журналистикаси замонга ҳамнафслик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида мустақил ривожланиб, тараққий топиб келаётган махсус ижод соҳаси бўлиб, унинг мавжудлиги болалар ва ўсмирлар салоҳияти, ўзига хос тафаккур даражасига мос асарларни ўқиб ўрганиш эҳтиёжи билан белгиланади. Зеро, нашрларда хоҳ у, хоҳ бу жанрдаги мақолалар берилмасин барчасининг замирида “тарбия” муҳим аҳамият касб этади. Болалар нашрлари қайси миллат болалари учун хизмат қилмасин, уларнинг барида ўша халқнинг урф – одатлари, анъаналари уфуриб туради. Сабаби, бу нашрлар болаларни мустақил ҳаётга етакловчи ҳаётий кўмакчи бўлиши керак.

3.2. Болалар нашрларида чоп этилган мақолаларнинг тили ва услуби

Журналистда – истеъдод билан бирга, болалик

қалби бўлмаса болалар

учун яхши нарса ёзолмайди.

Ашурали ЖЎРАЕВ

Глобаллашув жараёнини бошидан кечираётган ҳозирги жамиятнинг бирор - бир соҳасини ОАВ тилисиз тасаввур этиш қийин. ОАВнинг техник имкониятлари кенглиги, ижтимоий соҳалар етказиб бераётган ахборотларни бир вақтнинг ўзида фақат лисоний эмас, балки нолисоний усулларда ҳам ифодалашга ёрдам беради. Дунёда мавжуд ҳар бир ОАВ турининг ўз тили ва услуби мавжуд.

Шу маънода, матбуот тилининг ўзига хос хусуссиятлари ундаги вербал ва график компонентларнинг ўзаро таъсирлашувлари билан белгиланади. Шрифтнинг тури ва ҳажми, расмлар, ранглардан фойдланиш, қоғознинг сифати, материалларнинг саҳифада жойлашуви кабиларнинг барчаси сўзлар

билан бирлашиб матбуотнинг ягона синкретик тилида кўринади.¹¹³ Айниқса, болалар нашрларида. Болалар нашрларининг тили содда, равон, тушунарли ва болаларбопдир. Болалар газетасини варақлаганизда саҳифаларда кўп мақолаларни, хабарларни, хатларни, шеър ва ҳикояларни учратасиз. Мақолаларнинг ҳар бири бола тилидан, унинг ўй-хаёлларидан келиб чиқиб ёзилган.

Ахборот тарқатиш каналлари орқали етказиладиган ахборотнинг асосий ташувчиси босма матн ҳисобланади. Ахборот воситасининг бундай кўриниши унинг оммавий аудитория томонидан қабул қилиниш хусусиятларини ҳам белгилайди. Оммавий ахборот воситалари ичида газета – янги сўз, ибора бирикмаларнинг энг сезгир кўзгусидир. У жамият ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришларни бошқа ҳар қандай воситалардан тезроқ акс эттиради, кўп ҳолларда, умумхалқ лексикасига кириб келаётган янги сўз ва ибораларни қайд этувчи биринчи ёзма манба бўлиб қолади. Тил нормаларини стандартлаштиришда ҳам айнан оммавий мулоқот тили, газета – публицистик услуб етакчилик қилмоқда.

Газета тили бошқа ОАВ тили каби ахборот етказиш, тарғибот-ташвиқот, тарбиялаш, реклама қилиш, таъсир ўтказиш вазифаларини ўтайди. Уларнинг самарадорлигини оширишда газета тили матнларини яратишда қатор лисоний ва нолисоний омиллар муҳим ўрин тутати. Булар жумласига оммавийлик, образлилик, экспрессивлик, эмоционаллик, баҳо бериш, аниқлик, ихчамлик, услубий мутаносиблик, ҳаққонийлик ва тезкорлик каби хусусиятлар киради.

114

ОАВ тили ҳақида гапирилганда, уларни вазифалари ва белгилари ҳақида тўхталиш керак. Кўпчилик тадқиқотчилар ОАВ тилида учта асосий вазифа намоён эканлигини таъкидлашади. Булар - рамзий, импрессив ва экспрессив вазифалардир. Ахборот узатишда рамзий вазифа асосий ўрин тутати. Ўз

¹¹³ Д.Тешабоева. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. – Т.: “Фан ва технология”, 2011 й, 23-бет.

¹¹⁴ Ўша манба, 39-бет.

фикрини баён қилувчининг ҳолати қандай бўлишига қарамай, ушбу ахборот ҳаққоний тарзда холисона баҳоланади. Ахборот тингловчиларда қандайдир одоб-ахлоқ, ҳаракатга нисбатан ундаш истагини мужассам этган бўлса, бу унинг импрессив вазифасини характерлайди. Ахборотда фикр билдирувчи қандайдир кузатув, кечинма, ҳаяжон ва таассуротларга берилиб, фикрини таъсирчан тарзда билдирса, учинчи – экспрессив вазифа амалга ошади. Ушбу кузатувларнинг барчаси айтиб ўтилган вазифалар ҳар бирининг характерли таркиби асосида юзага келишини аниқлашга имкон беради. Исталган ахборот бир вақтнинг ўзида мана шу уч вазифани мужассам этиши мумкин, аммо улар орасидан фақат биттасигина аҳамиятли бўлиб қолади¹¹⁵. Бу айниқса болалар нашрларида яққол кўзга ташланади.

Мисол учун, “Тонг юлдузи” газетасидаги мақолалар юқоридаги вазифаларга таянган ҳолда ёзилади ва чоп этилади. Мисол учун, газетанинг 2012 йил 30 март сонида муаллиф Назокат Мирҳабибованинг “Яширилган совға” лавҳасида экспрессив усулда ёзилган. Унда воқеа ҳикоя усулида содда тида ифодааланган. Жумладан, *“Қизалогим, мана бу этикчани кийиб кўр-чи.*

– Ву-у-у мунча чиройли, дугонам Дилоромда ҳам худди шунақаси бор. Анави раисимизнинг қизи бор-ку....

Дадасининг совғаси Нигорага ёқди, қувончи ичига сизмай бозордан қайтди. Бир олам таассуротлар билан уйга келди. Ҳали онасига, ҳали опаларига бозорда кўрганларини ҳикоя қилар, болалигига бориб, олган совғасини мақтанарди.

– Нигора, этингчангни эртага мен кийиб кетаман-а, - ҳазиллашди катта опаси. Нигора ўйланиб қолди ва:

«Ия, этигим кичкина бўлса, опам кийиб ёмон қилиб қўймасинлар», - дея кўнглидан ўтказди. Секин этикни олиб, беркитишга уринди. Қаерга қўйса опаси тополмайди?! Ҳа, ўчоқ ичига қўйиш керак, деди ўзига-ўзи...

¹¹⁵ Ўша манба. 25-бет.

Эртасига эрталаб не кўз билан кўрсинки, яшириб қўйган этикчаси ўчоқдаги ўтинлар билан бирга ёниб, алангаланарди. Нигора қилган ишидан пушаймон бўлди.

– Болам, тутун кўзингни ачитяптими? Борақол, кечаги олган этигингни кийиб, дугоналаринг билан бир ўйнаб кел, - деди онаси.

Нигора йиғлаб юборди...”

Кейинги мақола газетанинг 2012 йил 6 - феврал санасида Феруза Жалилова муаллифлигида “Болани мақташ керак...ми?” мақоласи нашр қилинган. Ушбу мақоланинг кириш қисми бироз зерикарлироқ, яъни умумий гаплардан иборат бўлиб қолган. Бироқ муаллиф унинг асосий қисмида оиладаги келишмовчиликларга сабабчи бўлган, эътиборсиз қолган боланинг онаси томонидан топиб олинган кундалигидан парчалар келтирган. Жумладан, “Ойим мени жуда яхши кўрадилар, 100 фоиз десам ҳам бўлади. Дадам эса сингилларимни 80 фоиз, мени бор – ёғи 20 фоиз яхши кўрадилар. Уларни эркалатиб, мақтаб ўтирадилар. Мени ҳатто “5” баҳо олган кунларимда ҳам мақтамайдилар”. “Бугун 15-апрел, менинг туғилган куним. Ойим чиройли дастурхон безатдилар. Бувам, бувим, амма-холаларим совғасаломлар олиб келишди. Тортнинг устидаги шамларни пуфлаб ўчираман деб, бехосдан каттакон биллур вазани синдириб қўйдим. «Э, каллаварам, кўзингга қарамайсанми, бу вазанинг неча пул туришини биласанми, ўзи?» дея жаҳл билан бошимга урдилар дадам... Бу энг унутилмас туғилган куним бўлди... Шаҳар миқёсидаги спорт мусобақасида қатнашиб, биринчиликни олдим. Мураббийим, дўстларим табриклашди. Дадам эса мусобақага бориш у ёқда турсин, бир оғиз табриклаб ҳам қўймадилар. Дўстларимнинг дадалари ҳатто машгулотларга ҳам келишади... Ўқувчимиз катта ҳажмли шеърни ёдлашга бердилар. Ўқитувчимиз катта ҳажмли шеърни ёдлашга бердилар. Эрталаб барвақтроқ уйғониб, уни бир соатда ёдлаб олдим. Ойижонимга ёддан айтиб бермоқчи эдим, ишга кеч қоляпман, ўқитувчингга айтиб берарсан, дея шошиб чиқиб кетдилар. Онам уй бекаси бўлсалар, қанийди... Бугун синфдошим

Фаррух иккимиз деворий газета чиқардик. Аниқроғи, уни ўзим тайёрладим: мақолаларини ҳам мен ёздим, расмлар билан безатдим. Устоз бу ишни Фаррух иккимизга топширганлари учун унинг исмини ҳам ёзиб қўйдим. Ўқитувчимиз аълочи бўлгани учунми, фақат Фаррухни мақтай кетдилар. Менинг исмимни эса оғизларига ҳам олмадилар... Ўртача ўқийдиган ўқувчи номини олдингми, демак интилишининг фойдаси йўқ экан, деган хулосага келдим...” Мақола Муаллиф услуби ўзига хос. Баъзи ота - онанинг фарзандга нисбатан эътиборсиз бўлиши, бола руҳиятига кўрсатаётган таъсирини “шахсий кундалик” орқали кўрсатиб берган. Ушбу мақолада ОАВ тилида учта асосий саналган рамзий, импрессив ва экспрессив вазифалар яққол намоён бўлган.

“Булбулча” газетасида ҳам бола тилини ушлашга, нашрлардаги ҳар бир мақола уларга мос ҳолда ёзишга ҳаракат қилинади. Мисол учун, нашрнинг 2012 йил 4 - сонида Амриддин Сафаров муаллифлигида ёзилган “Оилам – фахрим” мақоласида буни яққол сезиш мумкин. Жумладан, *“Мен мактабда аъло баҳоларга ўқийман. Сабаби, бўш вақтимни мазмунли ўтказаман. Бунга сабаб оиламдагилар деб ҳисоблайман. ... Укаларим ҳам мактабда аъло баҳоларга ўқийди. Сабаби, биз доим бўш вақтимизни тўғри тақсимлаб, ундан самарали фойдаланамиз. Бунга ота-жоним бизларга доим такрорлаб, ўзлари ҳам бунга амал қилиб келадилар...”*. Муаллиф газетага ёзишни мақсад қилиб қўйган ва ёзган мақоласини ҳам айнан шу газета аудиториясига мослаштирган. У болаларга насиҳат ёки маслаҳат йўлини танламаган балки ўзининг кундалик фаолиятини, оиладаги тартиб-интизомни шунчаки сўзлаб берган. Мана шунинг ўзида у оиласи билан фахрланаётганлигини, аҳиллик ва меҳнатсеварлик фазилатларини кўрсата бера олган. Эндигина ёзув таниган бола кўп нарсани билгиси келади, кимларгадир тақлид нигоҳи билан қарайди. Қарабсизки, шу каби матнларни ўқиган бола беихтиёр ўз оиласини тасаввур қилади. Матннинг қайсидир жиҳатларини ўзига олади. Бу унинг маънавий дунёсига таъсир қилмасдан қолмайди. Худди шу каби мақолалардан бири газетага Хоразм вилоятидан Матлуба Рўзиева мухлисасининг “Ёлғончи” (2012

йил 3-сон) номли лавҳаси чоп этилган. Жумладан, “... шу кунларда Дилишод мактабдан кеч қайтадиган одат чиқариб қолди. Ойиси сўраса “мактабда қўшимча дарсларга қатнашмаяпман”, деб баҳона тўқирди. Ойиси унга иш буюрса, ўртоқлари билан копток ўйнаб қайтиб келарди. Кейин эса, яна ҳар хил баҳоналар топарди... бир куни мактабадиги ота-оналар йиғилишида ўқитувчилар Дилишоднинг баҳолари пасайиб кетганини, ҳар куни дарсларга кеч қолиб келишини, ҳатто дарсларга кирмай айрим ўртоқлари билан футбол ўйнаётганлиги маълум бўлди. Ойис Дилишоддан буни сабабини сўраганда, қизариб, ерга қараб уялиб қолди...” Бунда ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни ёлгон билан чинни фарқлашга, катталарни алдамаслик кераклигига ундайди. Бироқ бунда ҳам юқорида келтириганимиздек панд-насихатларсиз, бола ўқиб туриб англай оладиган даражада содда тилда ёзилган.

“Класс!” болалар ва ўсмирлар газетаси ҳам бугунги кунда долзарб бўлган жиддий мавзуларга кўпроқ аҳамият қаратади. У компьютер ўйинларига муккасидан берилиб кетаётган болалар учун, компьютер ўйинларининг фойдали томонлари ҳақида, ёки оилада фарзандларнинг келишмовчиликлари ва бу борада ота-оналарга маслаҳатлар каби ўз мавзуларида кўпроқ оилага ва фарзандлар тарбиясига эътибор қаратади. Мисол учун, 2011 йилда чоп этилган Заряна ва Нина Некрасоваларнинг “Болалар учун компьютер ўйинларини қандай тўғри танлаш мумкин? мақоласини олайлик, бошқа нашрларда берилаётган мақолалар каби бунда болаларни компьютер ўйинларни ўйнаш бутунлай зарар. Унинг ҳеч қанақа фойдаси йўқ каби эмас, балки болага компьютер билан биринчи танишув 2 ёшдан бошланишини ва уни қандай ўргатиши ҳақида берилган. Ҳатоки, илк танишув учун болаларга қайси компьютер ўйинлари таклиф қилиб берган. Мақола содда тилда ёзилган. Бироқ бу болалар учун эмас, уларнинг ота-оналари учундир. Муаллиф бу ерда компьтер ўйинларини бутунлай қораламаган ҳам, оқламаган ҳам. Фақатгина ўйинларни турларга ўргатувчи, ривожлантирувчи, фикрлашни ривожлантирувчи ўйинлар, боланинг ижодий

қобилиятларини ривожлантирувчи ўйинлар каби турларга бўлиб, қайси ёшда мос ўйин эканлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Мақоланинг сўнггида муккасидан берилиб кетмаслиги юзасидан таклифлар берилган. Мисол учун, ёзда ўқиладиган адабиётлар рўйхатини тузиб чиқиш керак. Бироқ бу адабётлар машҳур ёки ота-онани билган, қўли илашган адабиёти эмас, балки айнан боланинг ёшига мос адабиётлар бўлиши керак дейилган. Ёзилиши ва ўқилиши жиҳатидан содда бўлса ҳам, кўтариб чиққан мавзу бугунги кун учун долзарб ҳисобланади.

Кейинги мақола “Эътиборингиз учун рақобат”¹¹⁶ деб номланган. Уни кириш қисмига эътиборингизни қаратмоқчиман. *“Болага ҳар доим ота-онаси бошқа фарзандларини унга қараганда кўпроқ яхши кўрадигандай туюлади. Агар фарзандларингиз сизнинг эътиборингиз учун рақобатлашаётган бўлса, унда «эркатойингиз» ўзбошимча бўлиб кетиши ва ўзининг устунлигини намоиши этиши мумкин. Иккинчи фарзандингиз ёки қолган болаларингиз эътибор етишмаслигини оғир қабул қилишлари ҳамда мактабдаги баҳолари, яхши хулқи билан мақтовингизни қозониши учун анча ҳаракат қилишлари мумкин. Аммо барибир қалбларининг тубида сиздан хафа бўладилар, балки бир умрга «яхши кўрилмаган» бола ҳиссини ҳам сақлаб қолишар”. Ёш бола айниқса балоғат ёшида бўлган бола руҳиятида бу ҳолат кузатилади. Муаллифни ютуғи бу болалар руиятидан келиб чиқиб ёза олгани. Аслида, бу мақола ота-оналар учун мўлжалланган бўлса-да, бироқ бу болалар мавзуси, болалар муаммоси кўтарилгани билан аҳамиятлидир. Муаллиф бу мақоласи орқали ота-она билан мулоқотга киришаётгандек ёзган. Унга фарзанд билан муомила қилиш жараёнида баъзи маслаҳатларни ҳам берган. “Маслаҳат: Ҳар бир фарзандингизга бир хил вақт ажратинг, ҳар бирини мақтанг, бир хил тарзда жазоланг ва танқид қилинг. Балки, сиз ҳақиқатан ҳам яхши ниятлар билан фарзандингизнинг бирортасига нисбатан ҳаддан ташқари*

¹¹⁶ Газетада чоп этилган мақола www.moi-roditeli.ru сайти орқали тайёрланган.

қаттиққўлдирсиз, балки кимнингдир шўхликларига эътибор қилмаётгандирсиз?” Оилада фарзандлар ўртасида учрайдиган жанжалларнинг турига қараб бўлган. Фарзандларнинг бир-бири билан рақиблик, ўғил бола – қиз бола, катта – кичик бўлган тақдирда уларнинг психологияси, ўзини тутиши жиҳатидан бу мақоланинг сўнггида ҳам ота - оналар учун 10 та маслаҳатлар берилган.

“Тез ёрдам. Нима қилиш керак? Асабларни эҳтиёт қилинг” мақоласини олиб қарайлик, бу ерда ҳам бола тарбиясига бағишланган. Агар у уйга киришни хоҳламаса, ёки инжиқликлар қилса, ота-она қандай йўл тутиши керак каби Болага танлаш имкониятини беринг, Боланинг эътиборини бошқа нарсага тортинг каби кесик саҳифаларга бўлиб ёзилган. Журналистни услуби жиҳатидан жуда ҳам содда аммо у кўтариб чиқаётган мавзулар бола руҳиятидан кўра кўпроқ ота-она руҳиятидан келиб чиқиб ёзилган.

Журналистлик матни “муаллифлик” ҳисобланади; у қанчалик объектив характерга эга бўлишидан қатъий назар, ўқувчи доимо ахборот интерпретациясини олади. Бундан келиб чиқадики, ишонтириш ва таъсир кўрсатиш каби коммуникатив таъсир воситалари иблан бир қаторда, журналист матнининг асосий характери унинг баҳоланиши бўлиб қолаверади.¹¹⁷ Айниқса, болалар учун ижод қилаётган муаллифлар матнни яратаётиб нутқий белгиланишларни грамматик жиҳатдан тўғри ёзишга, бола табиатига мос мавзу топиб уни яратишга, тушунарли тилда ва содда услубда ёзилишига катта эътибор қаратади. Шу жиҳатдан эса у ёзилган матнни етказиб бериш усуллари устида ҳам бош қотиради. Айнан шу жиҳат ҳам катталар матбуотини болалар матбуотидан ажратиб туради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидан адабиёт ва санъат ҳиди, “Хуррият” газетасидан журналист ҳиди

¹¹⁷ Д.Тешабоева. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. – Т.: “Фан ва технология”, 2011 й, 25-бет.

уфуриб туриши кераклигидек, болалар нашрларида боланинг қалби, руҳи ва нафаси сезилиб туриши кераклигини таъкидлайди.

Болаларнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор ёки бўлмаса улар ҳам қандайдир муаммоларга дуч келишади. Шу мақсадни кўзлаб, “Гулхан” журнали “Доғойна” рукнини ташкил этган. Унда мактаб ёшидаги болалар ўзларини қийнаётган муаммолар бўйича мактублар орқали таҳлилий мулоҳазали мактублар йўллашган. Мисол учун, “Дадам ишдан бўшаса” номли сарлавҳа билан келган мактубда муаллиф қатнаётган мактабда дадаси ўқитувчи бўлиб ишлар экан. Бу бола нуқтаи назаридан уни эркин ўқишга, дўстлари олдида мулзам бўлишига сабаб бўлаётганини муаммо сифатида кўтарган. Ёки “Оналар сезгир бўлсин” сарлаҳали мақоласида 7 синф ўқувчиси тарбияда онанинг роли катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етган, ва дугонасининг онаси оғзидан чиққан бемаъни сўкишлар уни шу мақолани ёзишга ундаган. Навбатдагиси “Укамга сув беринг” деб номланган. Бунда болалар боғчасида болаларга сувни тежаб бераётганлигини, сувни ортиқча ичса уларни қийишлари ҳақида ёзилган. Шу каби боланинг беғубор кўзи билан кўрган боғчадаги, мактбадаги илк муаммоларни ёзишга ундаган. бу болани мустақил фикрай олиш қобилияти мавжудлигидан, яхши ёки ёмонни ажра олиши ва сезгирлигидан даракдир. Назаримда, бу каби бола ўз кўзи билан кўрган муаммоларни ёритувчи саҳифа ёки нашрларнинг кўпайгани ҳам фақат бола тарбиясига ижобий натижа беради. У шу каби муаммоларни кўра олгани ва уни таҳлил қилиб, мулоҳаза қилганининг ўзи катта ютуқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, болалар нашрларининг тили ўзига хос. Унда ёлғон яшиқ, алдов кетмайди, зеро болаларни алдаб ҳам бўлмайди. Болажонларнинг ўзи беғубор. Демак, улар учун нашр қилинаётган газета ва журналларнинг тили, услуби беғубор ва содда.

ХУЛОСА

Жаҳон журналистикасида болалар журналистикасининг алоҳида ўрни мавжуд. Тадқиқотимиз давомида шунга амин бўлдики, ушбу йўналишнинг ҳам ўз тарихи, ривожланиш босқичлари ва шакллари мавжуд. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, болалар журналистикасини алоҳида тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиш, уни изчил ўрганиб чиқиш учун етарлича асос бор.

Болалар журналистикаси замонга ҳамнафаслик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида мустақил ривожланиб, тараққий топиб келаётган махсус ижод соҳаси бўлиб, унинг мавжудлиги болалар ва ўсмирлар салоҳияти, ўзига хос тафаккур даражасига мос асарларни ўқиб ўрганиш эҳтиёжи билан белгиланади. Унинг эътироф эътилиши ва ўзига хос белгилари эса қуйидагиларга акс этади:

- болалар журналистикаси намуналарининг ёзилиш услубида;
- воқеликнинг болалар нуқтаи назаридан ижтимоий тадқиқ этилишида;
- маърифий - тарбиявий мақсадга қаратилганлигида;
- ижодкорларнинг ҳам болалар, ҳам катталардан иборат бўлишида;
- композицион жиҳатдан содда, ихчам, услубий раво ва тушунарли бўлишида;
- ўз мақсади, предмети ва вазифасига эгаллигида;
- маълум тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтганлигида;
- махсус жанр тизими сифатида таркиб топганлигида;
- бераётган материалларида биринчи навбатда болаларнинг ёшини ҳисобга олиши нуқтаи назаридан;
- суратларга бой бўлишида;
- тил ва услуб жиҳатидан содда ва тушунарлилигида;
- диологли мақолаларнинг кўплигида кўринади.

Тадқиқотни ўрганиш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга оширдик:

- ўзбек болалар журналистикасининг тарихи ва шаклланиш босқичларини ўрганиб чиқдик;
- ўзбек болалар нашрларини йўналиши ва мавзуларига қараб таснифладик;
- болалар нашрлари таҳририятида ижодий муҳитни яратишда бош муҳаррирнинг ўрнини ва вазифасини аниқладик;
- болалар нашрларида муаллифлар билан ишлашнинг ўзига хослигини топиб уни таҳлил қилдик;
- болалар журналларида жанрлар масаласини ўргандик;
- болалар газеталарида чоп этилган мақолаларнинг тили ва услубини танланган объектлар мисолида таҳлил қилган ҳолда бугунги матбуот ҳеч қачон тараққиётдан, юксалишдан ортда қолмаслиги керак деган хулосага тўхталдик. Сабаби, бугуннинг боласи ҳар куни бир янгиликка дуч келади. У телевизордан ташқари компьютер, уяли телефон сингари энг сўнгги замонавий воситалар ичида ўралашиб қолиб кетмоқда. Уни матбуот оламига қайтариш осон кечмайди. Агарда матбуот ўша техник воситалардан кўра қизиқарли бўлса, болаларнинг орзу истакларига ҳамоҳанг келсагина, уларнинг эҳтиёжларини қондириш мумкин. Бир томондан болалар нашрларининг кўпайгани яхши. Ўшанда улар орасида соғлом рақобат вужудга келади. Энди улғайиб келаётган бола ҳам кўп ҳислатларни катталардан ўрганади. Катта бўлгани сари ўзининг мустақил йўлини танлайди. ОАВ “қозони” га тушган нашрлар ҳам келажакда ҳақиқий болалар нашрига айланса ажабмас. Болалар нашрларини ўқилишли ва оммабоп бўлишига нафақат уни бошқарувчи бош муҳаррир ёки ижодий ходимлар балки ижод дунёсига эндигина қадам қўйган ёш авлоднинг ўрни юқори. Зеро, ёш авлод маънавий камолотини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири – бу болалар нашрларидир.

Болалар ижодкорида маҳорат билан бирга болаларга нисбатан ўта яқинлик, оналарга хос бўлган меҳр бўлиши керак. Ўзини ўраб турган

муҳитни, ташқи дунёни болаларча кўра олиш жуда муҳим. Болалар журналисти катталар матбуотида айтиладиган саҳифа – саҳифа гапларни ярим ёки бирор қоғозда ифодалашга мажбур. Мана шунда маҳорат дунёга келади.

Болалар нашрлари қайси миллат болалари учун хизмат қилмасин, уларнинг барида ўша халқнинг урф – одатлари, анъаналари уфуриб туради. Сабаби, бу нашрлар болаларни мустақил ҳаётга етакловчи ҳаётий кўмакчи бўлиши керак. Болалар нашрларининг тили ўзига хос. Унда ёлгон яшиқ, алдов кетмайди, зеро болаларни алдаб ҳам бўлмайди. Болажонларнинг ўзи беғубор. Демак, улар учун нашр қилинаётган газета ва журналларнинг тили, услуби беғубор ва содда.

Бугун болалар журналистикаси болалар қалбини, дунёқарашини таҳлил эта бошлагани келгусида бу соҳада жиддий ажобий ўзгаришлар юз беришидан дарак бермоқда.

Магистрлик диссертацияси юзасидан олиб борган кичик тадқиқотим охирида иш юзасидан қуйидаги таклифлар юзага келди:

1. Мамлакатимиздаги журналист кадрларни етиштираётган олий ўқув юртларида болалар журналистикаси бўйича бўлимлар ташкил этиш.
2. Болалар ижодкорлари билан эндигина шу соҳага кириб келаётган ёш авлод учрашувларини, маҳорат мактаблари ўтказиш.
3. Мамлакатимизда жорий этилган журналистик кўрик - танловларда болалар журналистикаси бўйича ҳам алоҳида йўналишлар жорий қилиш;
4. Ўзбек болалар нашрлари билан халқаро болалар нашрлари ўртасида алоқа ўрнатиш, улар билан рақобатга киришишни жорий қилиш;
5. Тадқиқотимизда танланган объектларни сотувда йўқлиги сабабли, уларни фақатгина таҳририятнинг ўзидан топдик. Назаримда, матбуот тарқатувчи шахобчаларида уларнинг сотилиши нур устига аъло нур бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбек ва чет тилидаги адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й.
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: “Ўзбекистон”, 2009 й.
3. Каримов. И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч Т.: “Маънавият”, 2008 й.
4. Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси. -Тошкент.: “Фан”, 2006 й.
5. Засурский. Я. Н. Система средство массовой информации России У/п.-М.: Аспект Пресс, 2001 г
6. Семенов О.К. Становление детской журналистики и влияние ее на психологию ребенка. -М.: 2010 г.
7. Мелибоев. А. Қирқ бешинчи бекат (Кундалик-эссе). Тошкент. А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2008 й.
8. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Т.: Тафаккур. 2011
9. Д.Тешабоева. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. – Т.: Фан ва технология наш. 2011 й.

Даврий нашрлар:

1. Баракаев Р. Истиклол даври ўзбек болалар адабиёти: анъана,ворисийлик ва изланиш // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2003 й, 3-сон.
2. Аъзамов М. “Ғунча” болаларнинг ҳақиқий журналига айлансин// “Хуррият” 2009 й, 18-март.
3. Дўстқораев. Б. Боланинг сўйлаган нутқи ушбудур // “Хуррият” 2009 й, 19-август.
4. Умирова. А. Энг яқин дўстларим болалар. // “Хуррият”, 2009 й.

4. Жўраев.А. Саксон лаҳза қувончлари // “Гулхан”, 2009 й, 10-сон.
5. Раззоқов. Ж. Беғубор журналистика // “Тонг юлдузи”, 2009 й, 5-октябрь.
6. Юнусов. М. Қоғознинг ҳам уволи бор // ”Хуррият”, 2009 й, 2 июль.
7. Жабборов Ж. Ҳайрат фасли // “Гулхан”, 2009 й 10-сон, 4-бет.
8. Жўраев.А. Саксон лаҳза қувончлари // ”Гулхан”, 2009 й, 10-сон, 1-бет.
9. Аъзамов М. Жасорат // “Гулхан”, 2009 й, 10-сон, 8-бет.
10. Шарафиддинов О. “Маъсуллик болаликдан бошланади” // “Хуррият”, 2000 й.
11. Раззоқов. Ж. Беғубор журналистика//”Тонг юлдузи”, 2009 й, 5-октябрь.
12. Раззоқов Ж. Тонг юлдузи шуъласи // “Гулхан”, 2009 й, 10-сон, 6-7-бет.
13. Отақулова Э. Болалар нашрларига эътибор// “Хуррият”, 2010 й, 7-апрель.
14. Ҳайитов Т. Бу оламга кириш қийин // “Ўзбекистон матбуоти”, 2009 й, 1-2-сон
15. Жабборов Э. Ғунчаойнинг туғилиши // “Ғунча”, 1998 й 1-сон.
16. “Ғунча” журнаи, 1978 йил, 5-сон.
17. “Ғунча” журнаи, 1958 йил, 6-сон.
18. “Ғунча” журнаи, 1968 йил, 1-сон.
19. “Ғунча” журнаи, 1968 йил, 5-сон.
20. “Ғунча” журнаи, 1978 йил, 1-сон.
21. Жабборов Э. Ғунчаойнинг туғилиши // “Ғунча”, 1998 й, 1-сон.
22. Қодир М. Болаликнинг рангин дунёси. // “Хуррият”, 2011 йил, 22-июнь.
23. Шомаликова Д. Гулғунчалар журнаи// Ўзбекистон матбуоти, 2012 й, 1-сон.
24. “Билимдон” журнаи, 2012 й, феврал 3-сон.
25. “Доно Ворд” журнаи, 2012 й, январь 2-сон, 13-бет.
26. “Доно Ворд” журнаи, 2012 й, январь 2-сон, 15-бет.
27. “Доно Ворд” журнаи, 2012 й, январь 3-сон, 6-бет.

28. “Доно Ворд” журнари, 2012 й, январь 3-сон, 17-бет.
29. “Доно Ворд” журнари, 2012 й, январь 3-сон, 15-бет.
30. М.Юнусов. Қоғознинг ҳам уволи бор // “Хуррият”, 2009 й, 2-июль.
31. Юнусов.М. Бугуннинг гапи // Ўзбекистон матбуоти 2009 й, 5-сон.
32. Умирова А. Газетхонни нима қизиқтиради? // “Хуррият”. 2009 й, 8 апрель
33. Жабборов.Ш. Тиконзордан гул излаб //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 2009 й, 11-ноябрь.
34. Абдурахмон. А. Болаларга ёзаямиз. Аммо қандай ёзаямиз? // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2009 й.
35. “Билимдон” журнари, 2012 й, 2-3-сон.
36. “Знайка” журнари, 2012 й, 3-5-сон.
37. Санакулова З. Дунёга танитди // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон.
38. Раҳматуллаева Ф. Спортчи банкирлар// “Гулхан”, 2012 й, 4-сон.
39. Ўрмонова Ю. Бастакор қиз // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон.
40. Жўраев А. Чемпионнинг ватани // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон.
41. Хуршидабону. Машҳур спортчи бўлмоқчиман//“Билимдон”, 2012 й, 2-с.
42. Юнусова Г.Ёмғир ёғалоқ, қувончли хабар // “Доно ворд”, 2012 й, 3-сон.
43. Умарова И. Спорт саломатлик гарови // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон.
44. Раззоқов Ж. Набирам билан суҳбат // “Ғунча”, 2008 й, 1-сон.
45. Саъдулло. Тупроғинг кўзларга тўтиё// “Гулхан”, 2012 й, 4-сон.
46. Тешабоева Ю. Ўзингни синаб кўр// “Ғунча”, 2010 й, 2-сон.
47. “Гулхан” журнари, 2010 й, 10 – сон.
48. Ортиқова Т. Ёш шахматчилар беллашуви // “Гулхан”, 2012 й, 4-сон.
49. Зайниддинова Г, Урманова Г. Шижоат орзулар маёғи // “Гулхан”, 2012.
50. Муҳаббат. Жонқуяримиз // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон.
51. Эшмўминов Ф. Нафисанинг ютуқлари // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон.
52. Маликов А. Навқиронлик калити // “Гулхан”, 4-сон.
53. Файзуллаев А. Янги яшил майдон // “Гулхан”, 4-сон.

54. Каримов Ғ. Арслонхон // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон.
55. Ҳоҗиева О. Тўрткўзнинг ғаройиб қилиқлари // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон.
56. Шомаликова Д, Таниш кабуларлар // “Гулхан”, 2012 й, 5-сон.
57. Мухтор О. Оппоқ қор // “Доно Ворд”, 2012 й, 1-сон.
58. Маликов Э. Ўзбекистон қаҳрамони // “Ғунча”, 1998 й, 1-сон.
59. Ғўзал Бегим. Онангизга совға танладингизми // “Ғунча”, 2011 й, 3-сон.
60. Қодирова Х. Сарик девни миниб // “Доно Ворд”, 2012 й, 1-сон.
61. “Ғунча” журнали 1968 й, 1978 й.
62. “Доно Ворд” журнали, 2012 й, 3-сон.
63. “Билимдон ” журнали, 2012 й, 3-сон.
64. “Знайка” журнали, 2012 й, 3-сон.
65. “Гулхан” журнали, 2000-2012 йил тахламлари.
66. “Ғунча” журнали, 2000-2012 йил тахламлари.
67. “Тонг юлдузи” газетаси, 2000-2012 йил тахламлари.

Фойдаланилган сайтлар:

1. www.samir.com
2. www.g'uncha.uz
3. www.tongyulduzi.uz
4. www.gulxan.uz
5. www.moi-roditeli.ru

Магистрантнинг мавзу бўйича чоп эттирган мақолалар руйхати:

1. Болалар матбуотига эътибор // “Хуррият” 2010 й, 7 апрель.
2. Беғубор давр - беғубор журналистика // “Хуррият”, 2010 й.
3. Яйра Саъдуллаева: “Кичкинтой қалби - Ватан ичра Ватандир.
//“Маърифат” газетаси, 2012 йил, 30 – май.
4. Болалар журналистикаси - ижодий жараённинг ўзига хослиги
//“Жамият” газетаси, 2012 йил, 1-июнь.
5. Беғубор журналистика // “Туркистон” газетаси, 2012 йил,